

Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2/2020

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ  
Ибрагим АЛИМОВ  
Олим ХАЛМИРЗАЕВ  
Акмал МУРОДОВ  
Шахноза АХАТОВА  
Омонбой ОҚЮЛОВ  
Азиз МИРЗАЕВ  
Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Тахририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Кўлёмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» – «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этиладиган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

## Бош муҳаррир

Камол УБАЙДИЛЛОЕВ

## Масъул котиб

Муталиф СОДИҚОВ

Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича голиб деб топилган.

## ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038

**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60

**Email:** odilsudlov.oliy@sud.uz

**www:** odilsudlov.sud.uz

Босишга 2020 йил 13 февралда рухсат этилди. Қоғоз бичими 60X84 1/8. 10 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал тахририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма – 5. Нашр адади 6200 нусха.

## Навбатчи муҳаррир

Муталиф СОДИҚОВ

## ИНДЕКС:

якка тартибдаги обуначилар  
учун – 908;  
ташкilotлар учун – 909.

## Сотувда келишилган нархда

«SILVER STAR PRINT» МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100 139,

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даҳа, 17-уй

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори.....3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида»ги қарори.....9

**МУНОСАБАТ**

**С. Ниёзова.** Олий суд Пленуми қарорларини такомиллаштириш зарурияти.....13

**ЖАРАЁН**

**О. Пирматов.** Фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишда электрон ёзишмаларнинг далил сифатидаги аҳамияти.....17

**ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ ВА ЖАРАЁН**

**И. Салимова.** Иқтисодий судларда тааллуқлик қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари.....20

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Қ. Мусаев.** Вояга етмаганлар иштирокида тузилган битимларнинг ўзига хос жиҳатлари.....25

**АДВОКАТ САҲИФАСИ**

**А. Матмуротов.** Ўзбекистонда адвокатура институтини такомиллаштириш масалалари.....29

**МУЛОҲАЗА**

**М. Шаригатов.** Маҳаллий кенгашлар ва ички ишлар органлари ҳамкорлигини ҳуқуқий тартибга солишга доир айрим масалалар.....32

**9 ФЕВРАЛЬ – АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

Алишер Навоий ҳикматлари .....36

**14 ФЕВРАЛЬ – ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

Султонмурод Олим. Бобур ва тасаввуф.....38

**МОЗИЙГА НАЗАР**

**М. Ражабова.** Ислом ҳуқуқи ва Хожагон (Нақшбандия) тариқати: ўзаро уйғунлик ҳамда алоқадорлик.....42

**СУД ОЧЕРКИ**

**И. Маманов.** Шайтоннинг тузоғи.....46

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТОТЕКА ЮРИСТА.....79**



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

## МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ) УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ҲАҚИДА

2019 йил 24 декабрь

24-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши, шунингдек, судлар томонидан маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 4-моддасига мувофиқ, манфаатдор шахс, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, прокурор, шунингдек, бошқа шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ваколатли айрим фуқаролар ва давлат органлари маъмурий орган қарорини ҳақиқий эмас ва унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) билан, башарти бу қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли унинг:

ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган;

ҳуқуқлари, эркинликларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини амалга оширишда тўсқинлик яратилган;

зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юклатилган;

у ёки бу соҳадаги фаолиятини амалга ошириш учун бошқа тўсқинлик яратилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишга ҳақли.

2. Маъмурий органлар деганда, давлат бошқаруви органлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сонли Фармони билан тасдиқланган Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида кўрсатилган вазирликлар, давлат кўмиталари, кўмиталар, агентликлар, марказлар, инспекциялар) ва уларнинг ҳудудий органлари, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, маъмурий-бошқарув ваколоти берилган бошқа ташкилотлар ва махсус ташкил этилган комиссиялар тушунилади.

3. Маъмурий органлар мансабдор шахслари деганда, ҳокимият вакили вазифасини бажарадиган ёхуд мазкур органларда маъмурий-бошқарув (ташкилий-фармойиш бериш) вазифасини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ва-

колат берилган шахслар тушунилади.

4. Манфаатдор шахс деганда, маъмурий органнинг қарори ёки унинг мансабдор шахси ҳаракати (ҳаракатсизлиги) қаратилган фуқаро ёки юридик шахс ёхуд бундай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл этган бошқа шахс тушунилади.

5. Қарор деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан яққа ёки коллегиял тарзда қабул қилинган ва муайян ҳуқуқий оқибат туғдирувчи ҳужжат тушунилади.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарорлар белгиланган шаклда (масалан, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қарорлари) ёки эркин тарзда (масалан, фуқаронинг мурожаатини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ёзма хабар) қабул қилиниши мумкин.

6. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик деганда, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низомлар, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик тушунилади.

7. Судларга тушунтирилсинки, қонун ҳужжатларига кўра текширилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатига қарадиган давлат органлари қарорлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида устидан судга шикоят беришнинг бошқача тартиби назарда тутилган қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) МСИЮтК 23-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқилмайди.

Хусусан, маъмурий органлар мансабдор шахсларининг жиноят иши ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан, тегишлича, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процес-

суал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда шикоят қилинади.

Шу билан бирга, судлар шуни назарда тутиши лозимки, тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари мансабдор шахсларининг ушлаб турилганлар, камоққа олинганлар, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақидаги қарорлари ва ҳаракатлари МСИЮтК 23-бобида назарда тутилган тартибда низолашилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал қилинадиган масалалар бундан мустасно.

8. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органларнинг қуйидагилар билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар МСИЮтК 23-бобида назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади:

бино, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ва бузишга келишиш ва рухсат бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар);

жамоат бирлашмалари, шу жумладан сиёсий партиялар, диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек, давлат органининг белгиланган муддатда бундай рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши («Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисми, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 12-моддасининг учинчи қисми, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-

каси Қонунининг 26-моддаси);

оммавий ахборот воситасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки давлат органининг белгиланган муддатда уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши, оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш, оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш («Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22 – 24-моддалари);

фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш («Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси).

9. Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан МСИЮТК 23-бобда назарда тутилган тартибда шикоят қилинади, иқтисодий суд томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича чиқарилган қарорлар бундан мустасно («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 86<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми).

10. Судларга тушунтирилсинки, ҳарбий бошқарув органлари ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳақиқат комиссияларининг қарорлари устидан шикоятлар ҳарбий судлар томонидан кўрилади («Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддаси, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20-моддасининг тўққизинчи қисми).

11. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, маъмурий органнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаси ёки мансабдор шахсга нисбатан талаб қўйилганда, суд МСИЮТК 42-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, иш бўйича жавобгар сифатида тегишли органни жалб этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак.

Судга махсус комиссиянинг қарори устидан шикоят қилинганида, иш бўйича жавобгар

сифатида махсус комиссиянинг ишчи органи бўлган давлат органи жалб этилиши лозим.

Агар иш ҳал қилингунга қадар маъмурий орган қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, суд унинг ҳуқуқий ворисини ёки аризагининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга бўлган органни ишда иштирок этишга жалб қилади.

Агар иш кўриб чиқиладиган вақтга келиб қарори ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) шикоят қилинадиган шахс мансабдор шахс бўлмай қолган бўлса, суд ушбу мансабни эгаллаб турган шахсни ёхуд аризагининг бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларини тиклаш ваколатига эга тегишли органни ишда иштирок этиш учун жалб этиш масаласини ҳал қилади.

12. Аризачи ариза (шикоят) билан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи орган ёхуд мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли. Юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга дастлаб мурожаат қилмаслик, аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш учун асос бўлмайди.

Шу билан бирга, шуни назарда тутиш лозимки, қонун ҳужжатларида айрим қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан мажбурий равишда судгача низолашиш тартиби назарда тутилиши мумкин.

13. Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) низолашиладиган орган жойлашган ёхуд мансабдор шахс ишлайдиган жойдаги туман (шаҳар) маъмурий судига берилади.

Турли жойларда бўлган бир нечта жавобгарга нисбатан талаб қўйилганда, ариза (шикоят) аризагининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган жойдаги судга тақдим этилади.

Агар маъмурий орган жойлашган жой унинг ваколати амалга ошириладиган ҳудудга тўғри келмаса, ариза ўша орган ўз мажбуриятларини бажараётган жойда фаолият кўрсатаётган судга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди би-



ринчи инстанция суди сифатида қонун билан унинг ваколатига киритилган ишларни кўриб чиқади.

14. Қарорни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳаракатни (ҳаракатсизликни) қонунга ҳилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) МСИЮтК 128, 187-моддаларига мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланган бўлиши лозим.

Ариза (шикоят) шакли ва мазмунига нисбатан МСИЮтК 187-моддасида белгиланган талабларни инобатга олиб, унда жумладан, қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қандай қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилинаётганлиги;

маъмурий органнинг номи;

мансабдор шахснинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари;

қарорнинг реқвизитлари;

аризачининг аниқ қандай ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

аризачининг фикрига кўра, устидан шикоят қилинаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қайси қонун ҳужжатида зид эканлиги;

шунга ўхшаш шикоят бўйсунув тартибда юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга берилган-берилмаганлиги ва агар берилган бўлса, қандай жавоб олинганлиги.

15. Аризага (шикоятга) МСИЮтК 130-моддасида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, низолашилаётган қарор нусхаси илова қилинади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, МСИЮтК 134-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, аризага қарорни илова қилмаслик аризани қайтаришга асос бўлмайди. Суд низолашилаётган қарорни аризачининг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан маъмурий органдан талаб қилиб олишга ҳақли.

16. МСИЮтК 92-моддасига кўра, суд аризачининг ёки манфаати борасида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса ва бундай чораларни

кўрмай туриб, уларни ҳимоя қилиш мумкин бўлмаган ёхуд қийин бўлган ҳолларда дастлабки ҳимоя чораларини кўришга ҳақли.

Агар низолашилган қарор ижросининг мажбурий тўхтатиб турилиши қонунда назарда тутилган бўлса (масалан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 19-моддасининг учинчи қисми, «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси), судья аризачи судга мурожаат қилганлиги муносабати билан низолашилаётган қарорнинг бажарилиши маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан тўхтатилган-тўхтатилмаганлигини текшириши шарт. Агар бу амалга оширилмаган бўлса, суд суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар мазкур қарорнинг ҳаракатини тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқариши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, қонунда назарда тутилган ҳолларда маъмурий орган мансабдор шахсининг фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ва аҳоли ҳаёти ва соғлиғига реал хавф соладиган бошқа ҳолатларнинг олдини олиш билан боғлиқ қарорлари, ҳаракатларини тўхтатиб туришга йўл кўйилмайди.

17. МСИЮтК 67-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мазкур тоифага оид ишлар бўйича низолашилаётган қарорнинг, ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти ҳужжатни қабул қилган ёки низолашилаётган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилади.

Ишни тўғри ҳал қилиш мақсадида, суд ўз ташаббуси билан далилларни талаб қилиб олишга ҳақли. Суднинг ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабини бажармаганлиги учун тегишли орган мансабдор шахси суд томонидан жаримага тортилиши мумкин (МСИЮтК 122-моддаси).

18. Шуни назарда тутиш лозимки, маъмурий органлар ва улар мансабдор шахслари қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш тўғрисидаги ишлар-

ни кўришда, суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги нормаларини қўллашга ҳақли эмас ва фақат МСИЮтК ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунларда назарда тутилган муддатларгагина асосланиши керак.

19. Аризанинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ўтказиб берилиши уни қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозим.

Суд ҳар бир иш бўйича аризачи томонидан қонун билан белгиланган судга мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар, уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддати аризачига қуйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги;

унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкланганлиги.

Судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиниши масаласи ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолат эканлиги сабабли, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар, МСИЮтК 156-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарорида асослантирилиши лозим.

Агар судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилган ёки ўтказиб юборилган муддатни тиклаш суд томонидан рад этилган бўлса, аризани қаноатлантириш рад қилинади.

20. Ишни мазмунан кўриб чиқишда, суд аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни, хусусан, қуйидагиларни синчковлик билан текшириши лозим:

маъмурий орган, мансабдор шахс қарор қабул қилиш ёки ҳаракатни амалга ошириш

ваколатига эга ёки эга эмаслигини. Қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра, қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик маъмурий орган ёки мансабдор шахс ихтиёрига берилган ҳолда, суд бундай қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмаслик мақсадга мувофиқлигини баҳолашга ҳақли эмас (масалан, муайян шахсни мукофотлаш тўғрисида ҳужжат қабул қилмаганликда ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда);

маъмурий орган ёки мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя этилган-этилмаганлигини, башарти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бундай талаблар (шакл, муддатлар, асослар, тартиб-тамойил ва ҳ.к.) белгиланган бўлса. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин;

низолашилаётган қарор, содир этилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) мазмуни мазкур ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келиш-келмаслигини.

Қабул қилинган қарорлар, содир этилган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) ноқонунийлиги ҳақида далолат берувчи юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг ҳеч бўлмаганда биттасининг мавжудлиги аризани (шикоятни) қаноатлантиришга асос бўлиши мумкин.

21. МСИЮтК 189-моддасига мувофиқ суд низолашилаётган қарор, ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ва аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, маъмурий орган, унинг мансабдор шахси қарорини тўлиқ ёки муайян қисмини ҳақиқий эмас, ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризани (шикоятни) қаноатлантириш

хақида қарор қабул қилишда, суд арз қилинган талаблар доирасидан четга чиқишга ҳақли эмас. Масалан, ёзма мурожаатни мансабдор шахс томонидан белгиланган муддатда кўрилмаганлигида ифодаланган ҳаракатсизлик устидан шикоят қилинганда, суд мазкур мансабдор шахснинг ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топиши ва қандай қарор қабул қилиниши кераклиги ҳақидаги масалани олдиндан ҳал этмасдан, унга суд томонидан белгиланган муддатда аризачининг мурожаатини кўриб чиқиш мажбуриятини юклаши лозим.

22. Иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилишда, суд МСИЮтК 189-моддасида мавжуд хусусиятларни инобатга олган ҳолда МСИЮтК 19-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга амал қилиши лозим.

23. Ариза (шикоят) қаноатлантирилганда, ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида куйидагилар кўрсатилиши лозим:

низоланган қарорни қабул қилган ёки ҳаракатни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, қарорнинг номи, рақами, қабул қилинган санаси;

қарор тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилганлиги ва зарур ҳолларда, аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳажмда тиклаш ёки уларни амалга оширишдаги тўсқинликларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилганлиги;

ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилганлиги ва маъмурий орган ёки мансабдор шахсга аризачига нисбатан аниқ ҳаракатларни амалга ошириш мажбурияти юклатилганлиги.

Ҳал қилув қарорида суд ишнинг хусусияти ва амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни инобатга олган ҳолда аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини тўлиқ ҳажмда бартараф этиш учун тегишли муддат белгилаши лозим (МСИЮтК 189-моддасининг бешинчи қисми).

24. Қонунда маъмурий органлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низо-

лашиш ҳақидаги ишлар бўйича суд ҳаражатларига нисбатан қандайдир истиснолар белгиланмаганлиги сабабли, иш бўйича қилинган суд ҳаражатлари масаласи суд томонидан МСИЮтК 12-бобида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади.

25. Судларга тушунтирилсинки, МСИЮтК 276-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ қарорни ҳақиқий эмас ёки ҳаракатни қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги суд ҳужжатининг ижроси маъмурий органга юбориладиган суднинг ҳал қилув қарори (қарори) асосида амалга оширилиб, унда йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф этиш учун муддат кўрсатилиши лозим.

Пул маблағларини, шу жумладан, суд ҳаражатларини ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг мажбурий ижроси юзасидан ижро варақаси берилади.

Судлар ҳал қилув қарорининг ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириши ва унинг ижроси тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаганда, ахборот талаб қилиб олиши лозим.

26. Агар ишни кўришда маъмурий органлар ёки мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланса, суд бунга нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдириши лозим.

27. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида»ги 18-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**  
**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**  
**И. АЛИМОВ**



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

## СУДЛАР ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДА

2019 йил 24 декабрь

25-сонли

Тошкент шаҳри

Судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 47-боби нормаларини қўллашда масалалар вужудга келаётганлиги, шунингдек, ушбу масала бўйича қонунчиликни тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу қарорни қабул қилган суд томонидан қайта кўрилиши мумкин.

ФПК 47-боби қоидаларидан келиб чиқиб, иш мазмунан ҳал этилмаган биринчи инстанция судининг бошқа ҳужжатлари (масалан, аризани қабул қилишни рад этиш ёки даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги, аризани кўрмасдан қолдириш ёки ишни иш юритишдан тугатиш тўғрисидаги, процессуал муддатни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги ажримлар, хусусий ажрим) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилмайди.

Апелляция, кассация, назорат инстанцияси

судлари ўзлари томонидан чиқарилган ажримлар, қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича улар томонидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгартирилган ёхуд янги ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, қайта кўришга ҳақли (ФПК 438-моддаси).

2. Ишда иштирок этган шахслар, шунингдек, прокурор қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни (бундан буён матнда суд ҳужжатини деб юритилади) янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ФПК 47-моддасига мувофиқ ҳуқуқий ворислик фуқаролик суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкинлиги сабабли, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига ишда иштирок этган шахсларнинг процессуал ҳуқуқий ворислари ҳам эга.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар қонуний кучга кирган суд ҳужжати ушбу шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилса, улар суд ҳужжатининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори инстанция суди томонидан текшириш тўғрисида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

3. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар

бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза судга ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат тарзида берилади, уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан, белгиланган тартибда расмийлаштирилган, вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинган ҳолда имзоланади.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризада қуйидагилар бўлиши керак:

1) ариза берилмаётган суднинг номи;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (номи), уларнинг яшаш жойи (жойлашган ери) ва почта манзили;

3) аризачи янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни талаб қилаётган суд ҳужжатини қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, суд ҳужжати қабул қилинган сана;

4) аризачининг фикрига кўра, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлаётган янги очилган ҳолатга кўрсатма, уларни тасдиқловчи ҳужжатлар ёки ушбу ҳолатни тасдиқловчи бошқа далиллар;

5) ариза бераётган шахснинг талаби;

6) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судига бериладиган аризага тегишли суд томонидан тасдиқланган, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг нусхалари илова қилинади.

Судга қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани беришда давлат божи тўланмайди.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 439-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган уч ойлик муддатнинг ўтказиб юборилиши, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини ФПК 47-боби тартибда қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш учун ёхуд уни қабул қилишни рад қилиш учун ўз-ўзидан асос бўла олмайди.

Мазкур муддатга риоя қилинганлиги ҳақидаги масала суд томонидан ариза билан мурожаат қилган шахснинг илтимосномаси

бўйича, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳолатлар очилган кундан олти ойдан кечиктирмасдан берилган бўлсагина, суд мажлисида муҳокама қилиниши зарур.

Бунда шуни назарда тутиш лозимки, судга мурожаат қилиш муддатининг узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилиши, кўрсатилган аризани қаноатлантиришни рад қилиш учун мустақил асос ҳисобланади ва суднинг ажримда асослантирилиши лозим.

Судга мурожаат қилиш муддатини тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал этишда нафақат уни ўтказиб юборилганининг узрлилиги, балки аризачи янги очилган ҳолатлар мавжудлиги ҳақида билган ёки билиши лозим бўлгандан кейин суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза ўз вақтида берилган ёки берилмаганлиги ҳам инобатга олинishi лозим.

5. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш муддатини ҳисоблашда, ФПК 440-моддасига асосланиш, ариза бериш учун муддат:

1) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳолларда – иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;

2) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳолларда – суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;

3) ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажримга ёки қарорга асос бўлган ҳукмга, ҳал қилув қарорига, ажримга ёхуд қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ёхуд бошқа органнинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланиши инобатга олинishi лозим.

6. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг кўрилиши ФПК 47-боби қоидалари инобатга олинган ҳолда, тегишли суд инстанциясида иш юриштиш қоидалари бўйича амалга оширилади.

Суд аризани қабул қилгандан сўнг суд

мажлисининг вақти ва жойини белгилайди ҳамда бу ҳақда ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги уни ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

ФПК 442-моддасига мувофиқ суд қайд этилган аризани суд мажлисида кўради, иш бўйича янги очилган ҳолатлар мавжудлигини тасдиқлаш учун тақдим этилган далилларни текширади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди, суд мажлиси баённомасида ёритилиши лозим бўлган бошқа зарур процессуал ҳаракатларни амалга оширади.

7. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги ариза, у суднинг тегишли инстанциясига келиб тушган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда кўрилади.

8. ФПК 437-моддасининг иккинчи қисмида мавжуд бўлган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларининг рўйхати тугал ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қонун нормасидан келиб чиқиб, янги очилган ҳолатлар, улар ишни тўғри ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳоллардагина суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос ҳисобланади.

9. Иш кўрилаётган пайтда объектив ўринга эга бўлган ва қабул қилинган суд ҳужжатининг мазмунига таъсир кўрсатадиган, ушбу ҳужжат чиқарилаётганда аризачи, шунингдек, суд билмаган ва билиши мумкин бўлмаган ишга тааллуқли фактик ҳолатлар, ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган янги очилган ҳолатлар ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, аризачи томонидан иш бўйича тақдим этилган янги далиллар суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олмайди.

10. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган, гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била

туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар, агар улар қонунга хилоф, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига олиб келган бўлса, суд ҳужжатини қайта кўришга асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди).

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг вакилларининг суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган жиноятлари, судьяларнинг ишни кўриш ва ҳал этишда содир этган жиноятлари (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди), ушбу ҳолатлар ишнинг натижасига таъсир этган-эتماганлигидан қатъи назар, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўлади.

Ушбу банднинг биринчи ва иккинчи ҳатбошиларида кўрсатилган жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги суднинг ажрими, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори билан аниқланган ҳолатлар ҳам, агар суд ушбу ҳолатларни иш учун муҳим деб топса, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўла олади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди).

11. Судлар шуни инобатга олиши зарурки, суд ҳужжати қабул қилингандан сўнг вужудга келган ҳолатлар ҳам суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 437-моддаси иккинчи қисмининг 4-банди).

Бундай асослар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш тўғрисидаги аризаларни кўришда қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

суд ҳужжатини қабул қилиш учун асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилиниши судга мурожаат қилиш учун асос бўлганда ва қайта кўриш масаласи кўйилган ҳолларда, суд ҳужжати ёхуд бошқа орган қарорининг бекор қилинганлиги ишни кўриш натижасига таъсир кўрсатган ёки кўрсатмаганлигини текшириш зарур;

агар судга мурожаат қилишнинг асоси мазкур иш бўйича ноқонуний ёки асоссиз суд ҳужжатини қабул қилишга олиб келган битимнинг қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув

қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганлиги бўлса, бу ҳолат бошқа иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ҳулоса ва (ёки) асослангирувчи қисмида низоли ёки ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимни ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслик оқибагларини қўллаш тўғрисидаги ҳулоса мавжуд бўлганда, суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўла олади.

12. Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича суд аризани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқаради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёхуд уни қайта кўришни рад қилади (ФПК 443-моддаси). Ажрим нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга тилхат олиб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд электрон ҳужжат тарзида юборилади.

Биринчи, апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризининг қаноатлантирилиши тегишли суд томонидан ФПК билан ушбу инстанция суди учун белгиланган қоидалар бўйича ишни қайта кўриш учун асос бўлади (ФПК 445-моддаси).

13. Биринчи инстанция суди томонидан ФПК 47-боби тартибида чиқарилган ажрим устидан апелляция ёки кассация инстанцияси судига хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриш натижалари бўйича апелляция, кассация ёхуд назорат инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажримлар, қарорлар чиқарилган кундан бошлаб кучга киради ва улар устидан назорат тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

14. Биринчи инстанция судининг суд ҳужжатини бекор қилиш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят (протест) қаноатлантирилганда, апелляция ёки кассация инстанцияси суди ФПК 47-боби тартибида ушбу ажримни, шунингдек, аризачи томонидан

қайта кўриш масаласи қўйилган суд ҳужжатини, агар ушбу суд ҳужжатини қайта кўриш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бекор қилади. Бундай ҳолда иш суд ҳужжати бекор қилинган судга мазмунан кўриш учун юборилади.

15. Агар юқори инстанция суди суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест)ни кўришда ушбу ажримни асоссиз эканлиги ҳақида ҳулосага келса, уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва шу билан бирга суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни рад қилади.

Агар суд ҳужжатини қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан берилган шикоят (протест) кўрилаётган пайтда иш бўйича янги суд ҳужжати чиқарилган бўлса, у ҳам бекор қилиниши лозим.

16. Агар янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган суд ҳужжати тўлиқ ёки қисман ижро этилган, иш янгидан кўрилганда эса, бошқа ҳал қилув қарори қабул қилинган ҳолда, суд ФПК 459-моддасига мувофиқ суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласини ҳал этиши шарт. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласи суд томонидан ФПК 461-моддасида назарда тутилган, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича қайтарма ижронинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан суд амалиётини мунтазам равишда умумлаштириши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди раиси**  
**К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**  
**И. АЛИМОВ**



## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Маълумки, жиноят ҳукуқи назарияси амалиёт билан боғланмаса, мустақил равишда ривожлана олмайди. Бу боғланишнинг шакли турлича бўлиши мумкин: жиноят қонунининг амалда қўлланишини умумлаштириш; мутахассис олимларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштиришларда қатнашиши; янги жиноят қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалдагисини ривожлантириш; жиноят қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарорлари лойиҳалари юзасидан тегишли ҳуқуқсозлар бериш ва ҳоказолар.

Бинобарин, Олий суд Пленумининг айрим қарорларига жиноят жабрланувчисининг ўрни ва ҳуқуқ-атвори билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бугун долзарблик касб этмоқда.

Зотан, виктимологик тадқиқотлардаги масалалар ичида жиноят жабрланувчисининг ўрни ўта мураккаб бўлиб, у жабрланувчи мақоми ва унинг ҳуқуқ-атвори мажмуи билан белгиланади. Жиноят жабрланувчисининг ролини аниқлашда субъектив ёндашиш лозим. Яъни, унинг ўз ҳолатини англаши муҳимдир. Бу жабрланувчини «онгли» ва «онгсиз» турларга ажратиш ўрганишни тақозо этади. Бундай шахслар жабрланувчи бўлаётганларини англайдилар. Кичик ёшдаги ёки жисмоний руҳий ҳолатлари бузилган шахслар жиноятдаги ролини англамайдилар.

Бундан ташқари, жиноят ҳукуқи фанида жабрланувчининг виктим ҳолатини

эйтиборга олиб жазо тайинлаш мезонлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун жазо тайинлашда бундай ҳолатлар ҳар доим ҳам эйтиборга олинаётгани йўқ. Бироқ, Ҳамдўстлик мамлакатлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жабрланувчининг виктим ҳолати жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бизнингча, виктим ҳуқуқ вазиятнинг элементи сифатида субъект содир қилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини муайян даражада тавсифлайди. Бу масала юзасидан суд амалиётидан олинган мисолга мурожаат этамиз, А. дўсти Д.га унча оғир бўлмаган шикаст етказган. Улар ўртасидаги низо бир-бирига берган қарз орқали келиб чиққан. А.нинг қарзини тўлай олмаслигини билган Д. унинг қизларини жамоат жойида қаттиқ ҳақорат қилиб, «дўстларимга айтаман, улар қизларингни зўрлаб номусига тегади», дейди. Бундай ҳақоратга чидай олмаган А. Д.ни уриб баданига шикаст етказади. А.нинг олдинги жинояти учун судланган бўлишига қарамай, суд жабрланувчининг виктим ҳуқуқини эйтиборга олиб, бундай ҳолни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобламайди<sup>1</sup>.

Жабрланувчининг шахси ва ҳуқуқ-атвори тўғрисидаги маълумотларни инобатга олиш талаби қонунда аниқ ифодаланган. Хусусан, айбдорнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар қуйидаги виктимологик омиллар ҳисобланади: жабр-



ланувчининг ғайриконуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК) 55-моддасининг «д» банди), ижтимоий хавфли тажовуздан ҳимояланиш натижасида жиноят содир этиш, гарчи зарурий мудофаа доирасидан четга чиқиб бўлса ҳам (ЖК 55-моддасининг «е» банди). Бироқ, жабрланувчи ўзининг ахлоқсиз, маънавиятга хилоф хулқ-атвори билан жиноят хусусиятларига таъсир кўрсатган кўпгина аниқ жиноий вазиятлар жиноят қонунчилиги билан қамраб олинмайди. Бунда, жазонинг одиллиги принципи ишнинг барча ҳолатларини ҳамда жиноят субъекти шахсини тавсифловчи белгиларни инобатга олишни мажбурий қилиб кўяди. Бу мулоҳазаларнинг тўғрилигидан қонун чиқарувчи орган ЖКнинг 55-моддасини киритганлиги далолат беради. Унга кўра, енгиллаштирувчи ҳолат тугалланган ҳисобланмайди. Юқорида айтилганидек, зўрликлардан жабрланганлар «айби» субъект айбини истисно этмайди ва кўпчилик ҳолларда айбдорнинг жиноий жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Бу ҳолларда зарар етказувчи жавобгарлигининг енгиллаштирилиши шу билан изоҳланадики, суд криминоген хусусиятга эга бўлган муайян шароитларда жабрланувчининг ахлоқсиз хулқ-атвори субъектнинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Жабрланувчининг ахлоқсиз хулқ-атвори зўрловчи билан спиртли ичимликлар ичиш ва ёлғиз қолиш, эркалаш каби ҳаракатларда ифодаланиши, яъни фаол бўлиши мумкин. Мисол учун, 15 ёшдаги Ш. уч йил давомида ўғай отаси билан жинсий алоқада бўлиб келган. Ўғай отаси билан учрашув ташкил қилишда ўзи фаол бўлган. Бир кун ўғай ота уни бошқа йигит билан кўриб қолади. Бу билан у ўғай отасининг жиғига тега бошлайди. Бундан ач-

чиғи чиққан ўғай ота ўзи олдиндан тайёрлаб кўйган арматура билан уни калтаклаб азоб беради. Натижада Ш. ўша ерда вафот этади. Бунда жабрланувчининг хулқ-атвори фаол бўлган. Суд жазо тайинлаш вақтида унинг виктим хулқини эътиборга олмаган<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, хулқ-атвор пассив ҳам бўлиши мумкин (шаҳвоний хусусиятдаги хатти-ҳаракатларга фаол қаршилик қилмаслик) ва бу зўрловчида муайян ҳаяжонланишни келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, жиноят содир этилиши ҳаяжоннинг хусусияти билан белгиланмайди, чунки у хавфли бўлиши ёки ғазабланиш туйғулари билан унчалик боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Субъект руҳиятига таъсир кўрсатиш кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати орқали эмас, балки бошқа йўл билан амалга оширилади. Масалан, жинсий зўрлик жабрланувчининг ахлоқсиз юриш-туришини субъект жинсий яқинликка ундовчи омил сифатида идрок қилганидагина жиноят содир этилишига имкон яратади: фаол хулқ-атвор жинсий туйғуни қондиришда мақсадга эришишни ваъда бериш сифатида талқин этилса, пассив хулқ-атвор жинсий алоқага рухсат сифатида тушунилиши мумкин. Униси ҳам, буниси ҳам жабрланувчига шахсий тус берилган яқинлашишни осонлаштиради (кучоқлаш, эркалаш, ўпишиш ва шунга ўхшашлар). Бироқ, жабрланувчининг ҳатто шундай юриш-туришини ҳам турли кишилар турлича тушунадилар.

Айбдорнинг вазият, жабрланувчининг юриш-туриши тўғрисидаги тасаввуригина уларнинг ҳар иккаласи, яъни жабрланувчи ва жиноятчини ҳодиса иштирокчисига айлантиради. Ўзбекистон жиноят қонунчилигида жиноят содир этилгунига қадар феъл-атвори ахлоққа зид бўлган, жиноятни келтириб чиқарган жабрланувчига нисбатан содир этилган зўрлик учун жиноий жавобгарликни енгиллаштириш зарурлиги

тўғрисида кўрсатма бор. Раҳбарий суд инстанциялари бу турдаги жиноятлар бўйича жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотларни ўрганишга алоҳида эътибор бериши тасодифий ҳол эмас. Мисол учун, Олий суд Пленумининг қарорида ишнинг барча ҳолатларини яхлит тарзда ва ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хосликларини инобатга олиб, тўлиқ ва ҳолисона ўрганиш, ҳодиса шароитини ва судланувчининг ҳолати ҳақида сўз юритилган. Масалан, қасддан одам ўлдиришда, номусга тегишда, баданга тан жароҳати етказишда жабрланувчи билан судланувчининг ўзаро муносабатларини синчковлик билан аниқлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилмаган<sup>3</sup>.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорида ҳам жазо тайинлаш вақтида айбдор шахс билан бир қаторда жиноятдан жабр кўрганларнинг виқтим хулқ-атворини эътиборга олиш лозим бўлган ҳолатлар кўрсатилмаган. Шунингдек, бу масала ЖКнинг 54-моддасида ҳам ўз аксини топмаган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 1-бандига қуйидагича қўшимча ва ўзгартириш киритиш лозим: «Ҳар бир иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек, қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак».

Олий суд Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги «Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг

2-бандига қуйидаги мазмундаги жумлани киритишни таклиф этамиз: «Судлар номусга тегишга оид ишларни кўраётганда, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириш лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт.

Ҳар бир иш бўйича айб шакли, жиноятнинг сабаблари, жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак».

Жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори жиноятнинг объектив белгиларига тегишли ва жазо тайинлашда аҳамиятга эга бўлган ҳолатлардир. Жазо тайинлашда жабрланувчининг шахси ва хулқ-атворини инобатга олиш талаби жиноят қонунида мустаҳкамланган. Амалиётда бу талаб суд ва тергов органлари томонидан жиноят содир этган шахсни жазолашни енгиллаштириш ҳамда айб ва жиноят таркиби ҳам мавжуд эмаслиги сабабли жазодан тўлиқ озод қилиш йўли билан бажарилмоқда.

Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори 6-бандининг биринчи хатбошисини қуйидаги жумла билан тўлдириш тавсия этилади: «Жабрланувчининг вояга етмаганлиги ўз-ўзидан у билан ихтиёрий равишда жинсий алоқа қилишни унинг ожизлигидан фойдаланиб номусига тегиш сифатида квалификация қилишга асос бўлмайди».

ЖК 118-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандини ҳамда 119-моддаси иккинчи қисмининг «б» бандини қўллашда амалиётда ҳам, назарияда ҳам ягона фикрга келинмаган. Чунончи, Пленум қарорида юқорида қайд этилган бандлардаги «...илгари ушбу Кодекснинг

119 (118)-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан» жиноий белгисига аниқлик киритиш лозим. Яъни, бунда шахс муқаддам ЖКнинг 118 ёхуд 119-моддаси билан муқаддам судланган бўлиши шарт ёки шарт эмаслиги, ушбу моддалар билан судланган тақдирда судланганлик муддатлари ўтган-ўтмаганлигининг аҳамияти бор-йўқлиги хусусида тушунтириш бериш керак.

Қарор 16-бандининг биринчи хатбошисига «ЖК 118-моддаси учинчи қисмининг «д» банди ёки 119-моддаси учинчи қисмининг «д» бандида назарда тутилган «оғир оқибатлар» деганда, ҳомиладор бўлиш ёки ҳомиланинг тушиши, руҳий касаллик, ОИВ/ОИТС юқиши, жабрланувчи томонидан танланган жиноятдан ҳимояланиш усули оқибатида олинган тан жароҳатлари (масалан, кўп қаватли бинодан, юриб кетаётган автомобилдан, поезддан сакраганда), жиноят натижасида жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим», деб тушунтириш берилган. Ушбу бандга қўшимча сифатида айбдор шахс ўзида таносил ёки ОИТС касаллиги борлигини билгани ҳолда, номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш пайтида жабрланувчига касалликни юқтирган ҳолларда, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси учинчи қисмининг «д» банди билан бирга қўшимча равишда ЖКнинг 113-моддаси билан квалификация қилиниш-қилинмаслиги тўғрисида раҳбарий кўрсатма берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд

амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарорининг 1-бандига қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: «Судлар қасддан одам ўлдиришга оид ишларни кўраётганда, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириш лозимлиги тўғрисидаги қонун талабларига қатъий амал қилишлари шарт.

Ҳар бир иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, жабрланувчи билан айбланувчининг ўзаро муносабатлари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши керак».

Зеро, ушбу қарорда жабрланувчи билан судланувчининг ўзаро муносабатларини синчковлик билан аниқлаш зарурлиги таъкидлаб ўтилмаган.

Шунингдек, қарор 13-бандининг биринчи хатбошисига қуйидагича қўшимча киритиш талаб этилади: «Зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини енгиллашга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўллари сикиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш тушунилади».

Бундай тушунтириш Пленум қароридан ўз аксини топмаган. Зўрлик ишлатиш деган тушунчага бериладиган таъриф эса қилинган ҳаракатларни аниқлаштириб беради.

**С. НИЁЗОВА,**

**Тошкент давлат юридик университети «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедраси доценти, ю.ф.н.**

<sup>1</sup> Тошкент вилояти судининг архив материалларидан. Т., 2008.

<sup>2</sup> Қибрай тумани судининг архив материалларидан. 2008

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами 1991 – 2006. 2-жилд. – Т.: Ўқитувчи, 2006.

## ФУҚАРОЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ЭЛЕКТРОН ЁЗИШМАЛАРНИНГ ДАЛИЛ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Корхона, ташкилотлар ҳамда фуқаро (касанаичи, якка тадбиркор)ларнинг ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, маҳсулотларини ва хизматларини таклиф қилиши одатий тусга айланган. Ижтимоий тармоқларда товар ёки хизмат нархи, унинг хусусияти ҳақида музокара олиб бориш ҳам мумкин. Америкалик ҳуқуқшунос Ж.Грегорий фикрига кўра, тармоқлардаги суҳбатларни қуйидагиларга асосан электрон далил сифатида баҳолаш мумкин:

- ижтимоий тармоқлардаги махсус хоналар (личка)да суҳбатлашаётган шахсларнинг тегишли тармоқдаги исми шарифи маълум бўлади;

- ўзаро ёзишмалари мазмуни аниқ кўришиб туради;

- ижтимоий тармоқлардаги суҳбатлар мазмуни тегишли шахсларга ёхуд гуруҳларгагина маълум бўлади<sup>1</sup>.

Ўз навбатида, ижтимоий тармоқлардаги хабарларни электрон далил сифатида баҳолашдаги муаммолардан бири номаълум шахс томонидан ёзилган хабарларни далил сифатида кўриб чиқишдир. Чунки, ижтимоий тармоқларда фуқаролар бир неча саҳифага эга бўлиши ҳамда бошқа ном ёки таҳаллус остида ёзишмаларни амалга ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқдаги аккаунтлар доимий равишда ҳақиқий бўлмайдилар, бу эса, фуқаролик суд ишларида уларга суд томонидан баҳо беришда муаммоларни вужудга келтиради. Ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалар учун веб-сайт эгаси ёки яратувчиси эмас, балки ёзишмаларни

амалга оширган шахслар судда даъвогар ҳамда жавобгар бўлади.

Тарафлар ижтимоий тармоқларда ўзаро ёзишмалар асосида шартноманинг оддий шаклига риоя қилган ҳолда шартнома тузадилар. Ҳарб мамлакатлари ижтимоий тармоқларида шартнома шартларини келишиб олиш ибораси «Business Records»<sup>2</sup> атамаси билан номланади.

Ижтимоий тармоқлар орқали юридик ва жисмоний шахслар ўзларининг товар ва хизматларини реклама қиладилар. Хусусан, «тўй ва маросимлар учун бошловчи ёки хонанда», «бир ҳафтада оздираман», «ижарага уй бераман» каби эълонларни ижтимоий тармоқнинг барча турларида учратиш мумкин. Умуман олганда, ижтимоий тармоқларда фуқаролик муносабатларининг виртуал шакли вужудга келади. Фуқаролик муносабатларининг виртуал шакли қонун ва суд томонидан, албатта, тартибга солиниши лозим.

Корхона, муассаса, ташкилотлар ўз товар ва хизматларини ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 426-моддасига асосан товарнинг оммавий офертасини амалга оширолмақда. Ижтимоий тармоқларда берилган рекламалар ёки оферта натижасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ижтимоий тармоқлардаги хабарлар судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Электрон ёзишмалар қаторига электрон почта хабарлари, ижтимоий тармоқдаги ёзишмалар, чатлар, «СМС», «ММС» ҳамда бошқа техник воситалардаги ёзиш-

маларни киритиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, электрон ёзишмалар билан ёзма далиллар ўртасида қуйидаги тафовутлар мавжуд:

- хавфсизлик – электрон ёзишмаларни хавфсиз сақлаш имконияти қоғоздаги ҳужжатларга қараганда юқорироқ, чунки электрон ёзишмаларнинг хавфсизлик коди (логин ва пароли) мавжуд. Электрон ёзишмаларни йўқ қилиш осон эмас, йўқ қилинган тақдирда ҳам уларни тиклаш имконияти мавжуд, электрон ёзишмалар Интернет провайдерлари ёки алоқа операторлари томонидан тикланиши мумкин бўлса, ёзма далиллар йўқ қилингандан сўнг уларни тиклаш жуда мураккаб;

- сақлаш имконияти – электрон ёзишмалар ёзма далилларга қараганда кичикроқ ҳажми эгаллайди, шунингдек, электрон ёзишмаларга вақт таъсири аҳамиятсиз;

- нусха олиш – электрон ёзишмалардан чексиз равишда нусха олиш мумкин;

- электрон ёзишмаларга замон ва маконнинг таъсир этмаслиги – электрон ёзишмаларни бир вақтда ҳамда турли ерларда текшириш имкониятининг мавжудлиги;

- электрон ёзишмалар билан электрон хабарларга экспертиза тайинланганда турли хил экспертлар томонидан текширилади – ёзма далилларга суд-хатшунослик экспертизаси тайинланса, электрон ёзишмаларга суд-техник экспертизаси тайинланади;

- реквизитлар – одатда, ёзма далиллар махсус реквизитларга – тарафларнинг имзоси, муҳри ёки нотариуснинг тасдиғига эга бўлади.

Электрон ёзишмалар билан ёзма далилларнинг ўхшаш жиҳатлари қуйидагиларда ўз аксини топган:

- электрон ёзишмалар компьютер ва бошқа техник воситаларда сақланса ҳам, асосан ёзма шаклда бўлади (улар овозли

шаклда бўлиши мумкин), уларни қоғозга чоп этиш мумкин;

- электрон ёзишмалар ҳам, ёзма далиллар ҳам исботлаш воситаларининг объекти бўлади;

- ҳар икки шаклдаги далиллар қонун доирасида тузилган бўлиши ҳамда далил сифатида олинishi шарт;

- электрон ёзишмалар ҳам ўз манзилига эга бўлади, хусусан, «СМС», «ММС» хабарларининг манзили у жўнатилган ва келган телефон рақами саналади. Телефон рақами ишончли манзиллардан биридир. Электрон почтада электрон манзил электрон почта тизимларидаги @ белгиси остида электрон манзиллар, ижтимоий тармоқлардаги манзил бўлиб, профиль эгасининг номи ҳисобланади.

Электрон ёзишмалар қаерда сақланишидан қатъи назар, (техникада, Интернетда ёхуд қоғозда) суд томонидан бир хилда қабул қилиниши лозим. Электрон далилларни қандай сақлаш тарафларнинг ҳуқуқидир, фуқаролик суд ишларида ўз важларини исботлаб бериш уларнинг мажбуриятидир.

Канаданинг Квебек штати Фуқаролик кодексининг 2811-моддасида исботлаш воситаси бўлган юридик ҳужжатлар қўлда ёзилиши кераклиги белгиланган. Шунингдек, ушбу Кодекснинг 2837-моддасида юридик ҳужжатлар техник воситалар ёрдамида ҳам ёзилиши мумкинлиги баён этилган. Яъни, ушбу ёзма далиллар қўлда ҳам, техник воситалар ёрдамида ҳам ёзилиши мумкин<sup>3</sup>.

Электрон ёзишмаларнинг логин ва пароллари мавжуд бўлиши, манзиллари тарафларнинг манзилларига (электрон манзили) мос келиши лозим. Айрим ҳуқуқшунослар электрон ёзишмалар қоғозда чоп этилиб, уларни нотариал тасдиқлаш лозимлигини айтиб ўтишадди. Ҳуқуқшунос олим Наталья Мамчен-



ко Украина процессуал қонунчилигида электрон ёзишмалардан далил сифатида қандай фойдаланиш тартиби берилмаганлигини, бироқ Украина Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 75-моддасида нотариуслар ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш белгиланганлигини, web-screenshot ҳужжатларини нотариуслар томонидан тасдиқлаш рад қилинаётганлигини, электрон ёзишмаларни нотариал тасдиқлаш Украина қонунчилигида акс этиши лозимлигини айтиб ўтади<sup>4</sup>.

Рус ҳуқуқшуноси Александр Мугин ҳам электрон ёзишмалар нотариал тасдиқланиши мумкинлигини, бунинг учун электрон ёзишмаларни таъминлаш тўғрисида нотариусга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақида фикр билдиради<sup>5</sup>.

Албатта, электрон далиллар нотариал тартибда таъминланиши лозим. Бироқ, электрон ёзишмалар кўп ҳолларда шахсий ёзишмалардан иборат бўлади. Шу боис, электрон ёзишмалар суд мажлисларида техника воситаларини қўллаган ҳолда текширилиши мақсадга мувофиқдир. Электрон ёзишмаларни қоғозга чоп этиб, нотариал таъминлаш учун тақдим қилиш шахсий ёзишмаларнинг сир сақланиши имкониятини пасайтиради.

Электрон ёзишмалар ўзида шахсий ахборотларни сақлагани учун уларни қоғозда судга тақдим этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз. Электрон ёзишмаларни ўқиб эшиттиришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 234-моддаси қоидалари татбиқ этилиши лозим.

Электрон ёзишмалар суд мажлисида техник воситалардан фойдаланилган ҳолда ўқиб эшиттирилиши керак. Электрон ёзишмалар қоғозга чоп этилганда уларнинг ошкор этилиши хавфи ортиши суд томонидан инобатга олиниши зарур. Электрон ёзишмалар техник воситалар эгаларининг розилиги билан уларнинг хавфсизлик коди (логин ва пароль) ёрдамида очилиб, ўқилиши лозим. Чунки, тарафлар электрон ёзишмаларнинг хавфсизлик кодини (логин ва пароль) кейинчалик ўзгартириш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик суд ишларини юритишда электрон хабарларни далил сифатида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, фуқаролик процессуал қонунчилигимизга электрон хабарларга оид тегишли нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

**О. ПИРМАТОВ,**  
**Тошкент давлат**  
**юримдик университети**  
**муствақил изланувчиси**

<sup>1</sup> Gregory P. Joseph *Modern visual evidence*. [https://books.google.co.uz/books?id=T8bapbdhCAQC&pg=SA1-PA2&hl=ru&source=gbs\\_toc\\_r&cad=4#v=o](https://books.google.co.uz/books?id=T8bapbdhCAQC&pg=SA1-PA2&hl=ru&source=gbs_toc_r&cad=4#v=o)

<sup>2</sup> *Log files and other computer-generated records from Internet Service Providers may also easily qualify under the business records exception to the hearsay rule. (Evid.Code §§1270, 1271, 1560, 1561.) Remember, you do not need to show the reliability of the hardware or software. (People v. Lugashi (1988) 205 Cal.App.3d 632.) Nor does the custodian of records need to completely understand the computer. (Id.) Additionally, the printout (as opposed to the entry) need not be made "at or near the time of the event." (Aguimatang v. California State Lottery (1991) 234 Cal.App.3d 769.) Finally, a cautionary note from the Appellate Court in People v. Hawkins (2002) 98 Cal.App.4th 1428:*

<sup>3</sup> <http://legisquebec.gouv.qc.ca/en/ShowDoc/cs/CCQ-1991>

<sup>4</sup> <https://sud.ua/ru/publication/sud-info/>

<sup>5</sup> <https://advokat-mugin.ru/elektronnaya-perepiska-kak-dokasatelstvo/>

## ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ТААЛЛУҚЛИЛИК ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Низонинг судга тааллуқлилиги тегишли талабларнинг суд органлари томонидан кўриб чиқилишининг зарурий шартларидан биридир. Шунинг учун ҳам тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмаслик муайян процессуал ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Процесснинг айнан қайси босқичда эканлигига қараб тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг қуйидаги ҳуқуқий оқибатлари фарқланади:

- ариза (даъво аризаси)ни иш юритишга қабул қилиш ва иқтисодий ишни қўзғатиш босқичида низонинг судга тааллуқли эмаслиги аниқланса, ариза (даъво аризаси)ни иш юритишга қабул қилиш рад этилади;

- ишни судда кўришга тайёрлаш ёки суд муҳокамаси босқичида низонинг судга тааллуқли эмаслиги аниқланган ҳолларда иш юритиш тугатилади;

- иқтисодий суд ҳужжатларини қайта текшириш босқичида юқори инстанция судлари томонидан низонинг тааллуқли эмаслиги аниқланса, суд ҳужжати бекор қилиниб, иш юритиш тугатилади.

2020 йил 6 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасига асосан суд томонидан аризани қабул қилиш рад этилган ёки ишнинг тааллуқли эмаслиги оқибатида иш юритиш тугатилган тақдирда, давлат божи қайтарилади.

Аризани қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш ажрим билан расмийлаштирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)нинг 194, 125-моддаларига мувофиқ иш юритиш талаб (иш)нинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли рад этилган ёки тугатилган бўлса, аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримда судга аризачи айнан қайси органга мурожаат қилиши лозимлигини кўрсатиш мажбурияти юклатилган. Бироқ, ушбу мазмундаги норма Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК)нинг 111-моддаси (Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари) ва 154-моддаси (Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш)да назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, процессуал нормалар таҳлили тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари қонунчилигимизда белгиланмаганлигини кўрсатади. Ваҳоланки, процессуал ҳуқуқнинг умумий қоидаларига мувофиқ даъво аризаси қайтарилганда мавжуд камчиликлар ёхуд кўрмасдан қолдирилган тақдирда, бунга асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда такроран мурожаат қилиши кафолатланади. Аксинча, даъво аризасини қабул қилиш

рад этилган ёхуд иш юритиш тугатилган тақдирда, айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. ФПКнинг 194-моддасида аризани иш юритишга қабул қилишнинг рад этилиши судга такроран мурожаат қилинишини истисно этиши алоҳида мустаҳкамланган<sup>1</sup>. Бироқ, ИПКнинг 154-моддасида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши келтирилмаган. Шундай экан, бизнингча, процессуал нормаларни бирхиллаштириш, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларини бир-биридан фарқлаш, фуқароларга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш, қолаверса, процессуал қонун нормаларини турлича талқин қилиш, низоларни ҳал қилишда ваколатли органни аниқлашда ортиқча муаммоларнинг олдини олиш мақсадида:

биринчидан, даъво аризасини қабул қилиш рад этилган тақдирда, айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмаслиги;

иккинчидан, суд томонидан тааллуқли эмаслиги асос қилиниб, аризани қабул қилиш рад этилган ёхуд иш юритиш тугатилган тақдирда, ажрим билан аризага қайси органга мурожаат қилиш лозимлиги ҳақидаги нормаларни иқтисодий процессуал қонунчиликка кириштириш таклиф этилади.

Тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг муайян ҳуқуқий оқибатларини белгилашда унинг турлари ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

Мустасно (катъий) тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмаслик ҳам иқтисодий суд томонидан ариза (даъво аризаси)ни иш юритишга қабул қилишни рад этилишига ёки биринчи инстанция ва юқори инстанция судларида иш юритишни тугатилишига олиб келади. ИПК 111-моддасининг бешинчи қисмига асосан иш юритиш тугатилган тақдирда, айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Шартли тааллуқлилиқ қоидаларига мувофиқ, агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш кўзғатилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ариза (даъво аризаси)да жавобгар билан низоли судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, кўрсатилган бўлиши ва илова қилиниши даъво аризанинг шакли ва мазмунига қўйилган зарурий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий ишни кўзғатиш босқичида бу тартибга риоя қилмаслик даъво аризасини қайтарилишига олиб келади (ИПК 155-моддасининг 7-банди). Иш кўзғатилгандан сўнг низоли судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилмаганлиги аниқланса, уни қўллаш имкониятидан келиб чиқиб ҳуқуқий оқибатлари фарқланади. Низоли судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тарти-

бини қўллаш имконияти мавжуд бўлса, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади (ИПК 107-моддасининг 5-банди). Агар бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган бўлса, иш юритиш тугатилади (ИПК 110-моддасининг 8-банди).

Бироқ, бизнинг фикримизча, низо-ни судгача ҳал қилиш имконияти бой берилган ҳолларда иш мазмунан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Россия процес-суал қонунчилиги бўйича низо-ни судгача ҳал қилиш имкониятининг бой берилганлиги низо-ни мазмунан кўриб чиқиш-га тўсқинлик қилмайди. Низо-ни судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби-га риоя қилинмаганлиги ишни қўзғатиш босқичида аниқланганда ариза қайтарил-са, иш қўзғатилгандан сўнг аниқланган ҳолларда аризани кўрмасдан қолдириш учун асос бўлади<sup>2</sup>. Г.А.Жилин тўғри таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда низо-ни судгача ҳал қилиш имкониятининг бой берилганлиги ишни суд томонидан кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмаслиги ло-зим. Зеро, бу суд орқали ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуққа зиддир<sup>3</sup>.

Шартномавий тааллуқлилиқ қоидала-рининг бузилиши ҳам муайян ўзига хос ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан ҳакамлик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори бўлса, даъво аризасини иш юритишга қа-бул қилиш рад этилади (ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 4-банди). Қайд этиш лозимки, моддий ва процессуал қонунчи-

лигимизда фуқаролик ҳуқуқий муносабат-лардан юзага келадиган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳамда иқтисодий судга тааллуқли бўлган низо тарафларнинг келишувига биноан, иқтисодий суд ҳал қи-лув қарори чиқаргунига қадар ҳакамлик судига кўриш учун топширилиши мум-кинлиги белгиланган. Шунинг учун ҳам ИПК 107-моддасининг 2-бандига асосан ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низо-ни ҳакамлик судига кўриш учун топ-шириш тўғрисидаги келишув мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қар-ши бўлган жавобгар низо-нинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасидан ке-чиктирмай низо-ни ҳакамлик судининг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса, даъво аризаси кўрмасдан қолдири-лади. Бундан ташқари, ҳакамлик судининг айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асос-лар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирда, иш юритиш тугатилади (ИПК 110-моддасининг 3-банди).

Ўзбекистон Республикасининг «Дав-лат божи тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида суд томонидан даъво ари-заси (ариза, шикоят) қайтарилганда ёки қабул қилиш рад этилганда ёхуд ишнинг судга тааллуқли эмаслиги асос қилиниб иш юритиш тугатилганда; агар тарафлар ўртасида медиатив келишув ёки низо-ни ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топ-шириш тўғрисида ҳакамлик битими ту-зилиб, ариза кўрмасдан қолдирилганда; даъвогар низо-ни судга қадар ҳал этиш (эътироз билдириш) тартибига риоя эт-маганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тои-фадаги низо-лар учун ёки тарафларнинг

шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса давлат божи қайтарилиши лозимлиги мустаҳкамланган. Давлат божи қайтариш учун кўрсатилган ушбу асослар тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига тўғри келади. Бу, ўз навбатида, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг барча ҳуқуқий оқибатларида давлат божи қайтарилади деган ҳулосага келишимизга асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, ИПКнинг 111-моддасига асосан фақат иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли иш юритиш тугатилган тақдирда, суд ажримда давлат божини бюджетдан қайтариш ва суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши лозимлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддаси таҳлили нафақат иш судга тааллуқли бўлмаган тақдирда, балки ишда иштирок этаётган юридик шахс тугатилган бўлса ёки ишда иштирок этган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса, шунингдек даъвогар низоли судга қадар ҳал этиш (эътироз билдириш) тартибига риоя этмаганда, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса ҳам давлат божи қайтарилиши лозимлигини белгилайди.

Ўз навбатида, ушбу асослар иш юритишни тугатиш асосларидан бири сифатида ИПКнинг 110-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Шундай экан, ИПКнинг 111-моддасига ушбу асослар билан иш юритиш тугатилган ҳолларда, суд

ажримда давлат божини қайтариш масаласини ҳал қилиши лозимлигини киритиш таклиф этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари ишнинг айнан қайси босқичда эканлигига ва тааллуқлилиқ турига кўра фарқланади. Ушбу асосга кўра, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратишимиз мумкин: умумий ва махсус ҳуқуқий оқибатлар.

Тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг умумий ҳуқуқий оқибатларига қуйидагилар қиради:

а) даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилади;

б) иш юритиш тугатилади;

в) биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарор юқори инстанция суди томонидан ИПКнинг 279-моддасига мувофиқ, яъни моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги учун бекор қилинади;

г) давлат божи қайтарилади.

Тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг махсус ҳуқуқий оқибатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

а) даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилади;

б) даъво аризаси қайтарилади;

в) даъво аризаси кўрмасдан қолдирилади;

г) иш юритиш тугатилади;

д) юқори инстанция суди томонидан чиқарилган суд қарори бекор қилинади;

е) давлат божи қайтарилади.

Бундан ташқари, тааллуқлилиқ қоидаларига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий



оқибатларидан келиб чиққан ҳолда:

*биринчидан*, Иқтисодий процессуал кодексига даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берувчи 154<sup>1</sup>-моддани қуйидаги таҳрирда киритиш таклиф этилади:

**«154<sup>1</sup>-модда. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари**

*Даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.*

*Суд ажримда даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш асосини кўрсатади ва давлат божини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.*

*Агар даъво аризаси ушбу Кодекс 154-моддасининг 1-бандига асосан низо судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли рад этилган тақдирда, суд ажримда аризачининг қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт.*

*Судьянинг ушбу Кодекснинг 110-моддасида назарда тутилган асослар бўйича аризани иш юритишга қабул қилишни рад этиши судга иккинчи марта мурожаат этишга тўсқинлик қилади.*

Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Ажрим бекор қилинган тақдирда, даъво аризаси судга дастлабки мурожаат қилинган кунда берилган деб ҳисобланади»:

*иккинчидан*, Иқтисодий процессуал кодексининг 111-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

**«111-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари**

Иш юритишни тугатиш тўғрисида суд ажрим чиқаради.

*Суд ажримда иш юритишни тугатиши асосларини кўрсатади ва суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш, агар иш юритиши ушбу Кодекс 110-моддасининг 1, 4, 5 ва 8-бандларида назарда тутилган асослар бўйича тугатилган тақдирда давлат божини бюджетдан қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади.*

*Агар иш юритиши ушбу Кодекс 110-моддасининг 1-бандига асосан иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд ажримда аризачининг қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт.*

Ажримнинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин».

**И. САЛИМОВА,**  
Тошкент давлат  
юримдик университетининг  
«Фуқаролик процессуал ва  
иқтисодий процессуал ҳуқуқи»  
кафедраси докторанти

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон.

<sup>2</sup> «Арбитражный процессуальный кодекс Российской Федерации» от 24.07.2002 N 95-ФЗ (ред. от 03.08.2018) (с изм. и доп., вступ. в силу с 04.08.2018) <http://www.consultant.ru>

<sup>3</sup> Жилин Г. А. Правосудие по гражданским делам: актуальные вопросы: монография. -М.: Проспект, 2010. – С. 249-250.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШТИРОКИДА ТУЗИЛГАН БИТИМЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида амалдаги фуқаролик қонунчилиги муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрликка ва ҳимояга эгаллиги таъкидланади. Бола ҳуқуқлари декларациясида «Бола ўзининг ақлий ва жисмоний етуқлигини ҳисобга олган ҳолда, туғилишдан олдин ҳам, кейин ҳам ҳимояга ва парваришга, шу жумладан тегишли ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир», деб белгиланган.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 22-моддаси).

ФКнинг 29-моддасига биноан, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар: а) майда маиший битимлар; б) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар; в) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан

муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар. Бироқ, бундай битимлар бўйича жавобгарлик кичик ёшдаги болалар эмас, уларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар, васийлар) зиммасига юклатилади.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача вояга етмаган шахслар қисман муомала лаёқатига эга бўлади. Улар ўзлари ишлаб топган пуллари, стипендиялари, даромадларини тасарруф этиш бўйича мустақил битимларни амалга оширишлари ва кредит муассасаларига маблағ киритишлари, уларни тасарруф этишлари, майда маиший битимларни амалга оширишлари мумкин. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг битимлари учун, одатда, қонуний вакилларнинг розилиги талаб қилинади.

Вакилларнинг розилигисиз тузилган битим уларнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ҳолларда битим тарафларининг ҳар бири олинган барча нарсаларни асл ҳолида қайтариши, агар қайтариш мумкин бўлмаса, қийматини пул билан қоплаши шарт. Муомалага лаёқатли тараф, агар у вояга етмаган шахс билан иш кўраётганлигини билган бўлса, иккинчи тарафга кўрилган реал зарарни қоплаши лозим.

ФК 114-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариб

бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилмаган бўлса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Судлар «битим бўйича олинган нарса»ни аниқлашда ҳақиқий эмас деб топилган шартнома шартларидан келиб чиқиб, шуни назарда тутишлари лозимки, битим ҳақиқийлиги бўйича низолашилганда тарафларнинг битим шартлари доирасидан ташқаридаги муносабатлари ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун махсус асос шу билан боғлиқ равишда юзага келадиги, вояга етмаганлар юқоридан санаб ўтилганидан ташқари, қонуний вакилларининг (ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларнинг) ёзма розилиги билан бошқа битимларни тузишлари мумкин (ФКнинг 17-моддаси).

Я.Р.Веберснинг фикрига кўра, вояга етмаганлар билан тузилган битимлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлади<sup>1</sup>.

С.В.Осипова ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан тузилган битимларга ота-оналар (фарзандликка олувчилар, васийлар) розилигининг ҳуқуқий моҳиятини аниқлаган ҳолда, ушбу розиликни «ҳар қандай ҳуқуқий факт учун камайтирилмайдиган махсус ҳуқуқий ҳаракат», деб ҳисоблайди<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, вояга етмаган боланинг руҳияти шаклланишини ҳисобга олган ҳолда, олимлар олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган даврни биринчи ёш оралиғи деб ҳисоблайди ва кичик ёшдагилар бир қатор битимлар тузиш имкониятига эга бўлади ёки В.П.Шахматов таъкидлаганидек, барча кичик ёшдаги болалар муайян битим тузиш лаёқатига эга бўлади<sup>3</sup>.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) учун битим-

ларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

М. Пискунованинг фикрича, агар болаларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя қилинса, уларнинг қонуний вакиллари томонидан бегиланган ишончли вакил томонидан тузилган кичик ёшдаги болалар билан боғлиқ битимлар амалдаги қонунчиликка зид бўлмайди. Биринчидан, вакилнинг иштирок этмаслиги битимни бекор қилишга олиб келмайди: вакил томонидан маъқуланган битим фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини келтириб чиқаради. Иккинчидан, битим бўйича ишончномани қонуний вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга топшириш сифатида кўриб чиқишга йўл қўйилмайди<sup>4</sup>.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийси, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

Юридик адабиётларда битим тузиш лаёқатининг ёш чегараси ўн тўрт ёш деб белгиланади, деган фикрлар ҳам мавжуд<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, амалдаги фуқаролик қонунчилигида майда маиший битим тушунчаси тўлиқ очиб берилмаган. Майда маиший битимнинг белгилари битимнинг предметига, нарсанинг қийматига, кўп жихатдан бола жойлашган оиланинг таъминот даражасига боғлиқдир<sup>6</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, майда маиший битимни таснифлаш тўғрисида қарор қабул қилганда, бир қатор шартларга амал қилиш тавсия этилади: биринчидан, битимни тузган шахснинг ёшини ҳисоб-

га олиш; иккинчидан, вояга етмаганларнинг шахсий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бундай битимларни маълум бир ёш учун хос бўлган сўровлар табиати билан боғлаш; учинчидан, бу битимлар аҳамиятсиз миқдорда амалга оширилиши керак<sup>7</sup>.

Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, вояга етмаганлар томонидан текин манфаат кўришга қаратилган битимларни мустақил равишда тузиш учун рухсат бериш керак (масалан, совғани қабул қилиш)<sup>8</sup>.

Майда маиший битимлар тузилишига кўра кам аҳамиятсиз бўлиши керак, лекин улар нафақат уй (кундалик), балки бошқа эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган бўлиши лозим, жумладан, бундай маблағлардан кўнгул очиш, турли хил аттракционлар, компьютер ўйинлари, кино-театрга ташриф буюриш ва ҳоказоларни ўтказиш учун фойдаланиш мумкин<sup>9</sup>.

А.Е.Тарасованинг фикрича, ҳуқуқ субъекти сифатида боланинг ҳолати унинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга ёрдам берадиган махсус механизм билан таъминланиши жоиз. Ушбу механизм ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийларнинг хатти-ҳаракатлари билан таъминланади<sup>10</sup>.

Бундан ташқари, фикримизча, вояга етмаганлар иштирокида тузилган битимларнинг турларини қуйидагича ажратишимиз мумкин:

вояга етмаганлар мустақил равишда тузиши мумкин бўлган битимлар;

вояга етмаганлар томонидан фақат ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийларнинг розилиги билан амалга ошириладиган битимлар;

ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан фақат ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васий ва ҳомийларнинг розилиги билан тузилиши мумкин бўлган битимлар.

Шунингдек, вояга етмаганлар томони-

дан кўчмас мулкка оид битимлар тузишда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни ва у билан боғлиқ бўлган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш зарур. Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар учун, одатда, бундай битимлар уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар) томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг қонуний вакиллари бўлган ва ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар билан муносабатларда, шу жумладан судларда махсус ваколатларсиз уларнинг ота-оналари зиммасига юклатилган. Бола билан қариндошлик боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва ота-онанинг шахси ҳақидаги ҳужжат билан тасдиқланади.

Шуни айтиш лозимки, болаларни фарзандликка оладиган оилага тарбиялаш учун бериш битим асосида амалга оширилади. Болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги битим васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-оналар ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шаклидир. Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва



шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шаклидир. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик органларининг асосий вазифалари васийликдаги ёки ҳомийликдаги ҳамда васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, васийлар ва ҳомийларнинг мажбуриятлари бажарилишини, васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти, уларга тарбия ва таълим бериш шароитларини, шунингдек мол-мулки бут сақланишини таъминлаш устидан назорат қилишдан иборат.

Тутинган ота-она тарбияга олинган бо-

лага нисбатан васий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эгадирлар, яъни ўз қарамоғидаги шахсларнинг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар. Улар ўз қарамоғидаги шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, вояга етмаганлар иштирокида тузилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги бўйича миллий қонунчиликни ўрганиш, таҳлил этиш ва такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

**Қ. МУСАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитаси**  
**Юридик бўлими бошлиғи**

<sup>1</sup> Веберс Я.Р. *Правосубъектность граждан в советском гражданском и семейном праве.* Рига, 1976. – С. 139.

<sup>2</sup> Осипова С.В. *Сделкоспособность несовершеннолетних в гражданском праве России: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук.* Самара, 2007.

<sup>3</sup> Шахматов В.П. *Составы противоправных сделок и обусловленные ими последствия.* Томск, 1967. – С. 64.

<sup>4</sup> Пискунова М. *Маленький человек или право имеет?* / М. Пискунова // *Справочно-правовая система «ГАРАНТ».*

<sup>5</sup> Чернова Г.Ш. *Некоторые вопросы гражданско-правового положения несовершеннолетних по новому гражданскому законодательству России: дис. ... канд. юрид. наук / Г.Ш. Чернова.* СПб, 1997.

<sup>6</sup> Нечаева А.М. *Правоспособность и дееспособность физических лиц как субъектов гражданских прав.* / А.М. Нечаева // *Субъекты гражданского права; отв. ред. Т.Е. Абова.* — М., 2000.

<sup>7</sup> Савельева Н.М. *Правовое положение ребенка в Российской Федерации: гражданско-правовой и семейно-правовой аспекты: дис. ... канд. юрид. наук / Н.М. Савельева.* — Белгород, 2004.

<sup>8</sup> Братусь С.Н. *Субъекты гражданского права/С.Н.Братусь.* — М., 1950.

<sup>9</sup> Скоробогатова В.В. *Правосубъектность граждан в российском гражданском праве: автореф. дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03/ В.В.Скоробогатова.* Иркутск : Байкал. гос. ун-т экономики и права, 2008.

<sup>10</sup> Тарасова А.Е. *Правосубъектность граждан. Особенности правосубъектности несовершеннолетних, их проявления в гражданских правоотношениях / А.Е. Тарасова.* М.: Волтерс Клувер, 2008.



## ЎЗБЕКИСТОНДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

«Адвокат» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «суд ишлари бўйича ишончли вакил», «судда ҳимоячи» ҳамда «бирор шахсни ёки бирор нарсани ёзма ёхуд оғзаки равишда ҳимоя қиладиган шахс» маъноларини англатади.

Адвокатура кўп асрлар муқаддам юзага келган ва энг кўхна процессуал институтлардан ҳисобланади. Унинг пайдо бўлиши ҳар бир шахсга судда вакил олишга руҳсат берилган вақтдан бошланган. Ҳозирги замонда адвокатура деганда, профессионал юристларнинг уюшган бирлашмаси тушунилиб, унинг асосий вазифаси малакали юридик ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилишининг белгилаб қўйилгани ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига устувор масала сифатида қаралишининг амалий исботидир.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизда жиноий жавобгарликка тортилаётган шахсларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, ҳеч ким етарлича асосларсиз жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигидан жамият, албатта, манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49–53-моддаларида ҳам ҳимоячи ва унинг ваколатлари, ишда иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар, уларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари баён этилган.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунида адвокатура олдида турган вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, унда адвокатуранинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхона-

лар, ташкилотлар, муассасаларга юридик ёрдам кўрсатиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Асосий фаолият йўналиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган институтлар орасида адвокатура алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган адвокатура тизимини ислох қилиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, юртдошларимиз томонидан одил судловга эришиш даражасини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва хизматлар сифатини тубдан яхшилаш учун қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга эътиборни кучайтириш кўзда тутилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5441-сонли Фармони билан адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базасини яратиш, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган баъзи омилларни бартараф

қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Хусусан, адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида 2018 йил 1 июлдан бошлаб адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлди (адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно). Шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий амалиёт ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилди, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий амалиётдан озод этилади.

Фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда, фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларнинг танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади.

Шунингдек, Фармонда адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шартлиги белгилаб қўйилган. Адвокат сўровига кўра, маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри

маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адвокатура институтининг такомиллашувини хорижий тажрибасиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада миллий анъаналар билан бирга илғор давлатларнинг ютуқларини ҳам инобатга олиш, хорижий адвокатлар палаталари билан алоқа ўрнатиш ва тажриба алмашиш лозим. Шу боис, айрим давлатларнинг адвокатуралари ҳақида баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз.

**Буюк Британия.** Солиситорлар кўп сонли юристлар тоифаси бўлиб, улар кўпинча доимий асосда ўз мижозларига маслаҳатлар берадилар, фуқаролик ва жиноят ишларини уларнинг манфаатлари доирасида тинглашга тайёрлайдилар, айблов ёки ҳимоя томонидан, шунингдек қуйи инстанция судларида тарафларнинг вакиллари сифатида иштирок этадилар. Солиситорлар корпорациясининг раҳбари Юридик жамият бўлиб, у сайланадиган кенгаш томонидан бошқарилади. Солиситорликка номзодлар юридик маълумотга эга бўлишлари ёхуд Юридик жамият қошида ўқув курсини тугатишлари лозим, улар махсус имтиҳонларни топшириб, икки йиллик амалиётни ўтайдилар.

Мамлакатда кам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш тизими ҳам яхши ривожланган. 1988 йилда қабул қилинган Қонунга кўра, қашшоқларга юридик ёрдам кўрсатиш бўйича Кенгаш таъсис этилиб, унинг фонди бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатишга маблағлар ажратади.

Ривожланган давлатлар, хусусан, **АҚШ**да адвокатлар адвокатлик маҳкамалари таркибида ёки мустақил равишда иш юритадилар. Корпорацияларда ишловчи адвокатлар ҳамда давлат атторнейлари штат юристлари ассоциацияларига бирлашадилар (айрим штатларда тегишли амалиёт билан шуғулланиш учун бундай ассоциацияга аъзо бўлиш мажбурий шарт ҳисобланади). Бутун мамлакат миқёсида бундай бирлашмаларнинг фа-

олияти Америка юристлар ассоциацияси томонидан мувофиқлаштирилади. Унинг 400 мингга яқин аъзоси бўлиб, ўта нуфузли сиёсий куч ҳисобланади. Мазкур ассоциация штатлар қонун ҳужжатларининг яқинлашув жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди, федерал қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишни таклиф этади, касбий этика масалалари билан шуғулланади ва ҳоказо.

**Япония** Конституциясига мувофиқ, жинойт ишлари бўйича айбланувчини ҳимоя қилиш адвокат томонидан амалга оширилиб, адвокат судланувчининг таклифи билан ёки адвокатнинг хизматига ҳақ тўлашга имкони бўлмаган ҳолларда давлат томонидан тайинланади. Прокурор ёки адвокат бўлиш учун қатъий танлов қоидалари белгиланган. Бунинг учун япон университетлари юридик факультетларининг битирувчилари адлия вазирлиги махсус комиссияси томонидан ҳар йили имтиҳонлардан ўтишлари лозим.

**Германияда** жинойт ишлари бўйича айбланувчиларни, шунингдек бошқа тоифадаги ишлар бўйича тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш адвокатлар томонидан амалга оширилади. Адвокатнинг участка судида судьянинг яқка тартибда жинойт ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишида иштирок этиши мажбурий эмас. Бироқ, адвокатлар меҳнат ишлари бўйича юқори инстанция судларида тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари мажбурийдир.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун университетнинг юридик факультети битирувчиси уч-тўрт йил судларда, прокуратура идораларида ва адвокатураларда стажировка ўташи, Олий суд қошидаги комиссияга имтиҳон топшириши ва шундан сўнггина қайси судда адвокатлик фаолиятини юритмоқчи бўлса, ўша ҳудуд адлия идорасидан тегишли рухсатнома олиши лозим. Ҳар бир адвокат адвокатлик фаолияти юритишга рухсат берилган Олий суд ёки ҳудуд судидагина ўз бюросини очиши мумкин. У ёки бу Олий суд округида фаолият юритувчи адвокатлар битта (уларнинг сони 500 дан ортиқ бўлса, иккита) адвокатлар ҳайъа-

тига бирлашадилар. Олий федерал судида иш юритишга рухсат берилган адвокатлар алоҳида ҳайъатга бирлашадилар. ГФРда мавжуд бўлган барча адвокатлар ҳайъатлари Федерал адвокатлар бирлашмасига қирадилар. Бу бирлашма кам таъминланганларга бепул ёки имтиёзли юридик ёрдам кўрсатиш хизматини ҳам амалга оширади.

Давлат ҳар бир фуқаронинг юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адвокатни аҳоли учун қулай жойлардан зарур бинолар билан таъминлайди; адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ташкил этилишида кўмаклашади; адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплайди ва ўрганади; адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тажовузлар, асосиз чеклашлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўриниб турибдики, адвокатуранинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Ҳақиқатан ҳам адвокатура зиммасига барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга, одил судловни амалга оширишга, қонунийликка риоя қилиш ва уни мустаҳкамлашга, фуқароларни қонунларга аниқ ва оғишмай риоя этиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаън, кадр-қимматларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, адвокатура соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатларнинг мазкур соҳада тўплаган ибратли тажрибаларини мамлакатимизда жорий этиш инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг янада ишончли ҳимоя этилишида муҳим аҳамият касб этади.

**А. МАТМУРОТОВ,**  
Тошкент давлат юридик  
университетининг «Фуқаролик  
процессуал ва иқтисодий  
процессуал ҳуқуқи»  
кафедраси катта ўқитувчиси

## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳамда юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур жараёнда давлат органлари, идоралар ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш, биргаликда муҳим вазифаларни амалга ошириш катта аҳамият касб этади. Бинобарин, аҳоли тинчлиги, фуқаролар осойишталиги ва давлат ҳамда жамият манфаатларини самарали муҳофаза қилиш борасида ички ишлар органларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2016 йилнинг 16 сентябрида қабул қилинган «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ички ишлар органлари ўз фаолиятида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши ҳамда доимий равишда уни амалга ошириши мумкин. Хусусан, Қонуннинг 13<sup>1</sup>-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қо-

рақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги назарда тутилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай жиноятларнинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари, ташкилотлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлигининг ягона тизимини жорий этиш зарурати ҳам мавжуд.

Миллий ва хорижий тажриба шуни кўрсатадики, жиноят ва бошқа ҳуқуқ-

бузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни кучайтириш каби анъанавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини камайтиришда ҳар доим ҳам кутилган натижаларни берма-япти. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини,

## АННОТАЦИЯ

Мақолада ички ишлар органлари фаолиятининг бугунги кундаги ҳолати, ушбу органларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳисоб бериш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари баён қилинган. Мақола, шунингдек ушбу муносабатларни тартибга солиш борасида амалий тавсиялар беришга ҳам бағишланган.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органи, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, ҳисобот, ҳамкорлик алоқалари, ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари.

\* \* \*

В статье описывается современное состояние деятельности органов внутренних дел, теоретические и практические вопросы совершенствования системы подотчетности этих органов местным Советам народных депутатов. В статье также представлены практические рекомендации по регулированию этих отношений.

**Ключевые слова:** органы внутренних дел, местные Советы народных депутатов, отчетность, партнерские отношения, проблемы правового регулирования.

\* \* \*

The article describes current situation of the activities of internal affairs bodies, theoretical and practical issues of improving the accountability system of these bodies to local councils of people's deputies. The article is also intended to provide practical recommendation on how to regulate this relationship.

**Key words:** internal affairs bodies, local councils of people's deputies, reporting, partnerships, problems of legal regulation.



фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони-га мувофиқ ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойатчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуйи бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда.

*Биринчидан*, республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда.

*Иккинчидан*, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортикча штат birlikлари сақланиб турган бир пайтда, қуйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланмоқда.

*Учинчидан*, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти тўлиқ йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, аҳолининг энг муҳим

муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти.

*Тўртинчидан*, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда.

*Бешинчидан*, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти.

*Олтинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

*Еттинчидан*, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жинойий фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар

органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти.

*Саккизинчидан*, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

*Тўққизинчидан*, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда<sup>1</sup>.

Мазкур камчиликлар, одатда, соҳага доир қонун ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш борасидаги маълум бир салбий ҳолатларнинг ҳали-ҳануз сақланиб қолганлигини кўрсатадики, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ назариясига кўра, мазкур жараён ҳуқуқни қўллашдаги муайян масалаларни ҳал этиш зарурлигидан далолат беради. Зеро, юридик адабиётларда таъкидланганидек, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати тегишли давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонуний асос ва тартибда муайян ҳуқуқий масалани ҳал этиш юзасидан қабул қилинадиган аниқ, индивидуал мазмундаги юридик ҳужжатдир<sup>2</sup>.

Ички ишлар органлари фаолиятига доир камчиликлар ва муаммоли ҳолатларнинг мавжудлигини ҳам айнан соҳа мутахассисларининг ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларини қабул қилиш борасидаги билим ва амалий кўникмалари тўла шаклланмаганлиги, уларнинг масъулият ва жавобгарликни теран ҳис қилмаслиги билан изоҳлаш мумкин.



<sup>1</sup> *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами*, 2017 й., 15-сон, 243-модда.

<sup>2</sup> Қодиров У.А. *Ҳуқуқни қўллаш фаолияти – давлат органлари фаолиятининг муҳим йўналиши*. // «Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси, 2013. – 237-б.

Таъкидлаш ўринлики, ички ишлар органларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик алоқаларининг тўлиқ ўрнатилиши келгусида фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталиги, давлат ва жамият манфаатларини ҳар қандай ғаразли тажовуз ҳамда таъсирлардан самарали муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бундай ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- Ички ишлар вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари раҳбар ва масъул ходимларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги борасидаги фаолиятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлар билан ҳисобланадиган мезонларини қонуности ҳужжатларида бевосита акс эттириш мақсадга мувофиқдир;

- халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ички ишлар органлари раҳбар ва масъул ходимларининг ўз хизмат вазифаларини қай даражада бажарётганлигини фақат ҳисобот шаклида маҳаллий Кенгашнинг ўзида эмас, балки жойларда ўрганиш (маҳаллаларда нотинч оилалар билан қандай ишлар олиб борилаётганлиги, тарбияси оғир ёшлар билан ички ишлар органининг раҳбар ва масъул ходими иштирокида ўзаро мулоқот қилиш ва ҳ.к.) тартибини жорий этиш зарур.

**М. ШАРИГАТОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Давлат бошқаруви**  
**академияси тингловчиси**

## АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Одобсиз тил ўз-ўзини хафа қилади, юзлаб фалокатларни, бахтсизликларни ва дилсиёҳликларни келтириб чиқаради.

\* \* \*

Дунёда китобдан яхшироқ дўст йўқ.

\* \* \*

Ўзини панага олганлар кўп айтмоқдан қочадилар, кўп эшитмоқни ёқтирадилар. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ бўшатади... Тан касалларининг асоси кўп емақдир, руҳий касалларнинг асоси кўп демақдир.

\* \* \*

Сўзнинг турлари кўпдир, ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.

\* \* \*

Китоб – пул тўланмайдиган ва миннатдорчилик билдирилмайдиган ўқитувчидир. Ҳар сонияда у сенга доноликни ўргатади. У сирли ишлар тўғрисида сукут билан хабар берувчи чармга қопланган мияли суҳбатдошдир.

\* \* \*

Илм ўқуб қилмоғон амал мақбул,  
Доно сочиб кўтармади маҳсул.

\* \* \*

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,  
Хуш ул кишиким, адл сифоти бўлмиш,  
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,  
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.

\* \* \*

Фосиқ олим ўз-ўзига золим, давлатманд бахил ўз зиёни-ни кўзловчи нодон. Бу икки киши умрини бекорга ўтказди

ва гўрга ҳасрат ва армон олиб кетди. Бири буки, илм ўрганишга машаққат чекти – амал қилмади, бири буки, мол йиғишга меҳнат қилди, сарф қилишни билмади.

\* \* \*

Қаноатланмоқ бу булоқдир – суви олингани билан қуримайди; хазинадир – танга-чақасини сочган билан камаймайди; экинзордир – уруғи иззат ва шавкат мевасини беради; дарахтдир – шохи тортинчоқлик ва ҳурмат мевасини етказади.

\* \* \*

Сабр аччиқдир – аммо фойда берувчи, қаттиқдир – аммо зарарни дафъ этувчи. Қайси бир тилагига эришолмаган сабр этишга қўл урди-ю, тилагига эришолмади? Сабр – шодликлар калитидир ва бандлар очқичидир.

\* \* \*

Ёлғончи киши унутувчи бўлади, ўйлов ва эҳтиёт йўлидан четда туради. Кўнгил хазинасининг қулфи тил ва у хазина калитини сўз бил.

\* \* \*

Карам ва мурувват ота-оналардир, вафо ва ҳаё – эгизак фарзанд. У икковида ҳар қанча равшанлик бўлса, бу икковда шунчалик жипслик юз берур.

\* \* \*

Ишда ошиқмоқ ёш болалар иши; оғирлик билан иш қилиш тажрибали кишининг ишидир.

\* \* \*

Қаноат – тортинчоқликнинг негизидир, шараф ва иззатнинг тантанасидир. Қаноатли қашшоқ – бадавлатдир ва шоҳ билан гадойга иши тушмайди. Таъмахўрлик пасткашлик далили; давлатли таъмагир – хор ва жирканчдир.

\* \* \*

## БОБУР ВА ТАСАВВУФ

### *Ота-бобо йўлини тутиб...*

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини, шахси ва дунёқарашини тасаввуф таълимоти, хусусан, унинг нақшбандия тариқатисиз тасаввур қилиш қийин. Бошқача айтганда, Бобур феномени тасаввуфнинг ўзига хос ҳосиласи, Нақшбандия тариқатининг икки асрлик тараққиёти маҳсули эди.

Темурий шоҳу шаҳзодаларнинг тасаввуф пирларига мурид тушиши айнан Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзидан бошланган. Бунинг тафсилотини келтирсак, гап чўзилиб кетади. Улуғ бобосидаги тасаввуф пирларига эътиқод қилиб, мурид тушиш, топиниш анъанаси Захириддин Муҳаммад Бобурнинг отасига ҳам оғишмай етиб келган эди. Умаршайх Мирзо Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийнинг муриди, ҳамсуҳбати эди, шайх уни фарзанди катори кўрган: «Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳга иродати (муридлиги – С. О.) бор эрди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам «фарзанд» деб эдилар» (Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси, 1960. 64-б. Бундан кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавсда кўрсатиб борилди, тушунарсиз сўзларнинг маъноси қавсда изоҳланади).

Амакиси, яъни отасининг акаси – Султон Аҳмад Мирзо ҳам Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор эди. Алалхусус, Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган (тегиб турган) эмастур. Бир навбат Ҳазрати Хожа суҳбатида бир хилофи одат оёғини ёвуткаб ўлтурубтур. Мирзо кўпқандин (тургандан) сўнг Ҳазрати Хожа буюрубтурларким, Мирзо ўлдурган ерни боққайлар, бир сўнгак бор экандур» (74 – 75-б.).

Бу парчанинг қисқа мазмуни шуки, Бобурнинг амакиси кўп одоблик киши экан, Хожа Аҳрор суҳбатларида ҳеч қачон тиззасини тиззасига теккизиб, яъни жуфтлаштириб ўтирмас экан. Бир гал шундай қилиб ўтирибди. Кейин пирнинг топшириғи билан қарасалар, бир суюқни беркитиб туриш учун шундай ўтиришга мажбур бўлган экан.

Бобур амакисининг одил киши эканини таъкидлай туриб, бир жумлани кистириб ўтади: «Ҳазрати Хожанинг ҳам аёғлари арода эди» (75-б.). Бу парчадаги «аёғи арода» ибораси «борди-келди қилиб турмок» маъносини билдиради. Бу парча Хожа Аҳрорнинг ҳам Султон Аҳмад Мирзонинг ёнига тез-тез бориб турганидан далолат беради.

Бобурни темурийзода аждодларининг Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийга муносабати кўп қизиқтирган. Авваллари Хожа Убайдуллоҳга тааллуқли кўплаб фақир камбағал кишилар зулму зўравонликдан халос бўлар эди. Бобурнинг яна бир амакиси Султон Маҳмуд мирзо Самарқанд тахтини олганидан кейин шу эзгу анъанани давом эттириш ўрнига, аксинча, шундай кишиларга зулм ўтказа бошлади. Ҳатто, бевосита Ҳазрат Хожанинг авлодига ҳам шундай беписанд муносабатда бўлди.

Султон Аҳмад Мирзо замонида Самарқанд аҳли айнан Ҳазрати Хожа Аҳрор шарофати билан адолат ва шариат талаблари асосида муомала кўрган эди, шунинг учун бундай зулмкорона сиёсатдан озурда бўлди: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирзонинг замонида рафохият ва фароғат била ўтқариб эдилар, аксар муомала Ҳазрат Хожа жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди. Бу навъ зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. Вазий ва шариф, фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадиға оғиз очиб, қўл кўтардилар» (79-б.).

Кўпнинг дуойи бади – ёмон. Султон Маҳмуд Мирзо элнинг қарғишига қолди – Самарқандга



подшолиги беш-олти ойдан ошмади.

Унинг Хожа Убайдуллоҳга нисбатан бепи-санд муносабатини «Бобурнома»нинг кейинги – 1494/1495 йиллар воқеалари баёнида ҳам ўқиймиз: «Бад эътикод киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга истихфот (беписандлик) қилур эди. Юраксиз киши эди. Ҳаёси камроқ эди. Бир неча масхара (масхарабоз) ва бебок (беодоб кишилар) теграида бор эди, девон бошида ва халойиқ қошида зишт (хунук) ва шаниъ (қабих) ҳаракатлар қилурлар эди. Бадкалом (нутқи равон эмас) эди. Сўзини филҳол (асло) англаб бўлмас эди» (82-б.).

Бундай феъл-атвордаги киши ҳеч ҳам Хожа Аҳрор Валийдек тасаввуф раҳнамоси руҳиятига яқин бўлолмаслиги аниқ.

1495/1496 йиллар воқеалари баёнида гап яна кутилмаганда Хожа Аҳрор Валийга боғланади. Асардан бу алоқамандликни тушуниб олиш унчалар осон эмас. Бобурнинг замони шундай мураккаб бир давр эдики, ҳокимият учун кураш йўлида ота ўғилни, ака укани аямас эди. Темурийларнинг аксари Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийнинг авлодларига мурид бўлгани учун ҳам тасаввуф вакилларининг бу жангу жадаллардан четда туриши кийин масала эди. Бир гал Бойсунғур Мирзо тархоний душманлари қўлидан қочиб, Хожаго Хожа деган шайхнинг уйига бекинади. Эртасига тархонийлар Хожаго Хожанинг уйига келиб, Мирзони сўрашади. У: «Мирзо бу ерда эмас», деб алдайди. Бостириб киришнинг эса иложи йўқ эди: «Хожаларнинг жаноби андин олий эдиким, зўр қила олғайлар эди» (95-б.). Унинг гапи тўғри-нотўғрилигини исботлаш учун уйига бостириб кириш керак. Бундай қилишолмайди. Демак, хожалар, яъни Хожатон-Нақшбандия пирларининг обрўи шунчалик эдики, Мирзони сўраб келганлар бу ерда зўрлик қила олмас эди.

Бойсунғур Мирзо-ку душманлари қўлидан қочиб, Хожаго Хожа уйида беркинди. Унинг рақиби – ўз укаси Султон Али Мирзо эса жон сақлаш учун Хожа Аҳрор Валийнинг ўғли Хожа Яҳёнинг уйида яширинди. Кейин Бухорога – тархонлар ёнига қочиб кетди. Кўп ўтмай, орқасидан Хожа Яҳё ҳам етиб борди.

Шу тариқа Хожа Убайдуллоҳ авлодлари

бир-бирига зид томонларга тарафкаш бўлиб қолди. Бобур бундай нозик нуқталарни кўздан қочирмайди. У бу улуғ авлод вакиллари орасида оғзибирчилик бузилганидан кейин каттаси каттасига, кичиги кичигига гуруҳдош бўлиб кетганини қайд этади: «Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг авлодининг орасида бу сабабдин таассуб (тарафкашлик) тушди. Улуғи улуғига мураббий, кичиги кичикига муқаввий (қувват берувчи)» (95-б.).

Кейинчалик Султон Али Мирзо Бойсунғур Мирзодан Самарқандни тортиб олиш учун Бухоро тарафдан юриш қилди. Жанубдан – Ҳисор ва Қундуздан Ҳусайн Бойқаро лашкар тортди. Ҳусайн Масъуд Мирзо «Самарқанд дағдағаси била Шаҳрисабз устига келди» (96-б.). Бобур ҳам Андижон тарафдан Самарқанд сари лашкар тортди. Шунда Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийнинг Султон Али Мирзо кетидан Бухорога кетган ўғли – Хожа Яҳё ана шу ҳукмдори қошидан Бобур олдига элчи бўлиб келиб, «иттифок ва якжиҳатлик сўзини ораға солди» (96-б.). Бобур ҳам, Султон Али ҳам тўрт-беш киши бўлиб, Қўҳак, яъни Зарафшон дарёси ўртасига от билан кириб, от устида сўрашиб, гаплашишди.

Шу воқеалар баёни кетаётган ерда Бобур бир маълумотни қистириб ўтади: «Мулло Биноийни ва Муҳаммад Солиҳни анда Хожа хизматида кўрдум. Муҳаммад Солиҳни ўшул бир қатла-ўқ кўрдум. Мулло Биноий худ сўнгралар хейли менинг хизматимда бўлди» (96-б.). Мазкур қайд эса XV – XVI асрлар ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки вакили – Биноий ва Муҳаммад Солиҳ ҳам шу алғовдалғов замонда айнан нақшбандия пири паноҳида жон сақлаганидан далолат беради.

### *Бобурнинг пири*

Тасаввуфда пир-муридлик – ўта муҳим жиҳат бўлиб, одатда, отанинг пири ўғилга ҳам муршидлик қилар эди. Агар отасининг пири ўтиб кетган бўлса, ўғил ўша пирнинг муридларидан бўлган улуғ зотнинг этагини тутар эди. Бобур Мирзонинг отасига раҳнамо бўлган пири комил – Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийга боғлиқлиги бундан ҳам кучлироқ эди.

Адабиётшунос Ваҳоб Раҳмонов XIX аср тарихчиси Мирзо Олим Мушрифнинг «Аҳ-соб ул-салотин фи таворихи хавоқин» асари асосида бир янгиликни омма ҳукмига ҳавола этди. Умаршайх Мирзо тўнғич ўғли туғилгач, пири Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳузурларига бориб, чақалоққа исм қўйиб беришни сўрайди. Ул зоти шариф янги туғилган болага «Заҳириддин Муҳаммад» деб от қўядилар. Лекин, оддий одамлар учун талаффузи оғирлик қилишини ҳисобга олиб, «Мирзо Бобур бўла қолсин» дейдилар. Шунга қарамай, хутбада хатиблар «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб ўқишади (Бу ҳақда қаранг: «Истиклол садоси» газетаси, 2006 йил, 13 февраль).

Хожа Аҳрор – Умаршайх Мирзонинг пири. Хўш, Бобурнинг пири ким эди? Унинг муршидига муносабати қандай эди? Бобурнинг ҳаёт йўлига бу маънавий раҳнаманинг таъсири бўлганми?

Бу уч саволга «Бобурнома»нинг ўзидан бошқа манбадан аниқ-тиниқ жавоб топиш – мушкул.

Бобурнинг «устоди ва пири» (112-б.) Хожа Мавлоноий қози Абдуллоҳ эди. «Бобурнома»да унинг ота тарафдан Шайх Бурҳониддин Қиличга, она томонидан эса Султон Илик Мозийга бориб боғланиши ҳам билдириб ўтилади. Бу икки насаб Фарғонада аввалдан баобрў бўлиб келган эди: «Фарғона вилоятида бу табақа муқтадо (диний йўлбошчи) ва қози бўла келгандурлар» (112-б.). Бобурнинг пири отаси Умаршайх билан ҳампира, яъни у ҳам Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг муриди, ул зоти шариф қўлида тарбия топган эди. Шайхлар орасида валий даражасига етганлар кам бўлади. Бобур эса, пирини шундай мақом эгаси ҳисоблайди ва бу зоти шарифга ёмонлик қилганларнинг жуда оз фурсатларда оламдан ўтганини бунга энг ишончли далил қилиб келтиради: «Хожа қозининг валийлигида менинг ҳеч шакким йўқтур. Қайси иш валоятқа (валийликка, авлиёликка) мундин яхшироқ далилдурким, аларга қасд қилганлардин оз фурсатта осор ва аломат қолмади» (112-б.). Иккинчи исбот ҳам бор: «Хожа қози кўркмас киши эди. Кўркмок анда асло йўқ эди. Онча далер киши кўрилган эмас. Бу си-

фат ҳам валоят далилидур. Сойир эл ҳар неча баҳодур бўлса, андак дағдағаси (кўркуви) ва таваҳхуми (ваҳимаси) бўлур. Хожада асло дағдаға ва таваҳхум йўқ эди» (112-б.).

Худди шу салоҳияти билан ҳам пир ҳамisha давлат ишларида муриди – Бобур Мирзога елкадошлик қилган.

1497/1498 йиллар воқеалари баёнида Бобур етти ой урушиб, Самарқанд тахтини Бойсунғур Мирзодан тортиб олганини ёзади. Пойтахтда подшолиги бу гал узоққа чўзилмади: «Бу навбат Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилдим» (112-б.).

Бобур Самарқандни олганида аҳвол жуда оғир эди. Аскарлар таъминотида ҳам катта танқислик бор эди. Шу вазият таҳлилини муаллифнинг ўзи бундай давом эттиради: «Биз ҳам элга нима еткура олмадук. Уйларини ҳам соғиндилар. Бирар-иккирар қочмокқа юз қўйдилар. Аввал кишиким, қочти – Хонқули Баёнқули эди, яна Иброҳим Бекчик эди. Мўғуллар тамом қочтилар. Сўнгра Султон Аҳмад Танбал ҳам қочти» (110-б.).

Ана шундай мураккаб вазиятда Бобур кимларга суянган? Албаттаки, биринчи навбатда ёнида бўлган пирига! Бунинг бошқа бир жиҳати ҳам бор эди – Аҳсида ҳукмронлик қилиб туриш учун қўйиб келинган Узун Ҳасан ҳам ўзини Хожа қозининг муриди ҳисоблар эди: «Бу фитнанинг таскини учун Хожа қозини йибордукким, Узун Ҳасан Хожага ўзини хели (анча) мухлис ва муътақид (эътиқодли) тутар эди. Узун Ҳасаннинг иттифоқи била қочқонларнинг баъзисига сазо (жазо) бергайлар, баъзисини бизнинг қошимизга йиборгайлар» (110-б.).

Бобур Самарқандни Андижон лашкари кучи билан олган эди. У Самарқандга бу галги юришини бошлаганда Андижонга Али Дўст тағойини (профессор Ҳасан Қудратуллаев Али Дўстни Бобурнинг тоғаси, деб ҳисоблайди. Қаранг: «Менинг бошимдин мундоқлар хейли ўтубтур» / Моҳият, 2006 йил, 31 март), Аҳсига эса, айтиб ўтилганидек, Узун Ҳасанни қўйиб келган эди. «Сўнгра Хожа қози ҳам келган эди» (111-б.), деб ёзганида пирининг Андижонга келганини кўзда тутати. Чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, Хожа қози Аҳсига – Узун Ҳасаннинг олдида махсус вазифа

билан келган эди.

Шу воқеалар таҳлилининг ўзиёқ Хожа қози худди пири Хожа Аҳрор каби, сиёсат ишларига бевосита ва фаол аралашиб турганини кўрсатади. Мана бу далил бунинг шакли ва даражасидан далолат беради: «Хожа қози ул қалъадорликда менинг давлатхоҳлигим учун ўн секкиз минг қўйни кўрғондаги йигитларга ва бизнинг била бўлган йигитларнинг кўчлариға улашти» (111-б.). Демак, пир муриднинг манфаати учун нақд ўн саккиз минг қўйни Аҳси кўрғонини кўриқлаётганларга, шунингдек Самарқандда Бобур билан бирга бўлганларнинг оилаларига таркатади.

Тасаввуф тарихидан яхши биламизки, Хожа Аҳрор тинимсиз равишда замон ҳукмдорлари, хусусан, теурий мирзолар билан ёзишмалар олиб борган. Бундан кўзланган асосий мақсад эса Аллоҳ ризолигини топиш, халқ тинчлиги ва фаровонлиги йўлида тахт эгаларига оқилона маслаҳатлар бериш, уларни тинчлик ва адолатга чорлаб туришдан иборат эди.

Ана шу эзгу анъана Хожа қози ва Бобур ўртасидаги мактуботда ҳам давом этди. «Бобурнома»да бунинг исботини топамиз: «Мухосара (қамал) муддатида менинг волидаларимдин (онаси ва она бувиси кўзда тутилган) ва Хожа қозидин муттасил бу мазмун била хатлар келур эдиким: «Бизларни мундок мухосара қилибтурлар, агар келиб, фарёдимизға етмасангиз, иш вубол бўлғусидур. Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. Андижон иликта (қўлда) бўлса, яна Тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа (қўлга киритса) бўлур» (111-б.).

Бобурнинг бу пайтдаги вазияти ниҳоятда қалтис ва фожиали эди. Кўп беклари уни ташлаб кетди. Бу аҳволга чидаш мушкул эди: «Манга бисёр душвор келди, беихтиёр ғалаба (дод солиб) йиғладим» (113-б.).

Бобурнинг юз кунгина подшоҳлик қилиб, Самарқандни ташлаб чиқишига яна бир сабаб шу кезларда қаттиқ касал бўлиб қолгани эди. «Тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимға пахта била сув томизурлар эрди» (111-б.). Шу кунлари Узун Ҳасан Аҳсида аҳвол оғирлашганини билдириш учун элчи қилиб навкар юборди. Шунда, Бобурнинг фикрича, беклар

дипломатия қоидаси бўйича ўта жиддий хатога йўл қўйди: «..Раъйда ғалат (хато) қилиб, мени кўрсатиб, рухсат бердилар» (111-б.).

Бу ердаги «рухсат бердилар»ни қайси маънода тушуниш керак? Агар, Андижонга қайтиб кетишга рухсат берилди, деб тушунилса – бир маъно, умуман, Аҳсини душманга топширишга ижозат, деб тушунилса – тамоман бошқа маъно келиб чиқади. Ҳар ҳолда, иккинчиси кўзда тутилган кўринадиди. Воқеалар тафсилли шундан далолат беради. Бир неча кундан кейин Бобур оёқка турди. У қатъий равишда Самарқанддан чиқиб, Андижон сари юриш қилиш фикрига келди.

Бобур Самарқанддан чиққан шанба куни Али Дўст тағойи Андижон қалъасини душманга берди. Сабаби – муҳолифлар Андижон қалъасини қамал қилганда ҳалиги элчи бориб, подшоҳнинг ўлим тўшагида ётгани, тилдан қолгани, оғзига сув томизиб турганларини Али Дўст тағойига етказди, буни ўз кўзлари билан кўрганига онт ичди.

Бир ҳафта юриб, кейинги шанба куни Бобур Хўжандга етиб келди. Андижон қўлдан кетганини шу ерда эшитди.

Хўш, устоиди ва пири бу воқеаларга қандай муносабатда бўлди экан? Ахир, у ҳам Андижонда – Али Дўст тағойининг олдиға юборилган эди-ку.

Душман – душман-да. Андижонни олган душман Бобурнинг Хўжандга етиб келганини эшитиб: «Хожа Мавлонойи қозини арк дарвозасида беиззатона осиб, шаҳид қилдилар (112-б.).

Бу воқеа нимадан далолат беради? Биринчидан, Хожа Мавлонойи қозининг фикран сотқин Али Дўст тағойи билан бирлашмаганини, муриди ва шогирди Бобур Мирзога охиригача содиқ қолганини кўрсатади. Иккинчидан, бу Хожа Мавлонойи қози айнан Бобур билан бир сиёсий мақсадда бириккани, бугунги тушунчалар билан ифодалаганда, Ватан ҳимояси учун қурбон бўлганидан далолат беради.

**СУЛТОНМУРОД ОЛИМ,  
филология фанлари номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси халқ  
таълими аълочиси**



## ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ВА ХОЖАГОН (НАҚШБАНДИЯ) ТАРИҚАТИ: ЎЗАРО УЙҒУНЛИК ҲАМДА АЛОҚАДОРЛИК

XXI асрда Шарқу Ғарб олимлари инсоният тарихий тараққиётининг тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган ислом ҳуқуқига (фикх) оид ноёб манбаларни ўрганишга ҳар қачонгидан ҳам астойдил киришди. Зеро, жаҳондаги турли куч марказлари ўртасида кескин ғоявий курашлар юз бераётган ҳозирги кунда муқаддас ислом динининг моҳиятини, инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини жамоатчиликка тушунтириш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳаммамизга маълумки, ислом таълимотида билим эгаллаш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти ёки бурчи ҳисобланади. Илм эгаллаш вожиб амаллар сирасига киради. Ўтмишда донишмандлардан бири шундай деган экан: «Илм дарахтининг асоси Маккада-ю, аммо ҳосили Ўрта Осиёнинг маркази БУХОРО-И ша-рифда пишади». Ҳозирги даврда мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ёки изланишларда ҳам айнан шу фикр уфуриб туради.

Қайд этиш ўринлики, ислом ҳуқуқини (фикх) таркибий тузилиш жиҳатдан тахминан уч қисмга бўлиб ўрганиш мумкин. *Биринчиси* – ибодатларга тааллуқли масалалар, яъни Аллоҳ билан бандалари ўртасидаги муносабатларга оид қонун-қоидалар; *иккинчиси* – муомала масалалари, яъни инсонлар ўртасидаги, шунингдек давлат ҳокимиятининг фуқаролар билан муносабати ҳамда бошқа диндаги аҳоли ёки давлатлар билан ўзаро алоқалар; *учинчиси* эса, жазолаш ёки иқоб ёхуд уқубат, азоб, яъни ҳуқуқбузарлик учун жазолаш масалалари, бир сўз билан ифодалаянда, ибодат ва муомалат билан боғлиқ қонун-қоидалар ёки тартиб-таомилларнинг бузилиши оқибати-

да келиб чиқадиган низоли муносабатларни ҳал этиш<sup>1</sup>. Бу ислом ҳуқуқидаги «Ал-қасос-у минал ҳақ» ёки «жазо муқаррар» таъмоилига риоя қилиш демакдир.

Ислом ҳуқуқига оид манбаларда жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ ёки жиноят мусулмон таъқиқларини бузганлик учун жазога лойиқ хатти-ҳаракат сифатида қаралади. Унинг моҳияти исломнинг дин, ҳаёт, ақл-идрок, авлодлар давомийлиги ва мулкка эгаллик каби беш принципига таянган ҳуқуқий қонун-қоидаларда ўз ифодасини топади. Ислом ҳуқуқида ҳар қандай қонунбузарлик Оллоҳнинг иродасига бўйсунмаслик деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам шариатда ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳисобланган, мусулмон ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай хатти-ҳаракатлар фақатгина «дунёвий» санкциялардангина эмас, шу билан бирга улар диний жиҳатдан гуноҳ ҳисобланиб, охираат жазосига ҳам сабаб бўлади, деб қаралади. «Хожагон – Нақшбандия» тариқатидаги пирлар ҳам айнан шариатга қатъий роия қилиш, айниқса, катта-кичик гуноҳдан сақланиб, жазога йўлиқмаслик чорасини кўрган.

Ислом ҳуқуқидаги жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра уч тоифага бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. *Биринчи гуруҳга* ҳадд жазоси қўлланадиган жиноятлар, яъни Аллоҳнинг ҳуқуқига тажовуз қилиш: жумладан зино, ўғрилиқ, босқинчилик, спиртлик ичимликларни ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, зинокор деб тухмат қилиш, диндан қайтиш, исён ва бошқа санокли жиноятлар киради. *Иккинчиси-га* қасос ёки товон туридаги жиноятлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қаратилган

жиноятлар, янада аниқроқ айтганда, қасддан ёки эҳтиётсизликдан одам ўлдириш ва тан жароҳати етказиш каби жиноятларни киритиш мумкин. *Учинчи гуруҳга* таъзир жазоси назарда тутилган жиноятлар кирди<sup>2</sup>. Бу турдаги жиноятлар сони жуда кўп. Айрим манбаларда таъзирга лойиқ ҳуқуқбузарликлар 200 ортиқ дейилган.

Қайд этиш жоизки, ислом ҳуқуқининг (фикҳ) бошқа ҳуқуқ тизимидан, мисол учун, англо-саксон (Европа ва АҚШ) ёки континентал ҳуқуқ (Германия, Франция ва бошқалар) тизимларидан асосий фарқли жиҳати шундан иборатки, Шариатда ҳуқуқий қоидалар умумий ва бир бутун яхлит мажмуа сифатида ишлаб чиқилган, яъни универсал хусусиятга эга. Ислом ҳуқуқида ҳуқуқий нормалар тузилиши бўйича бир-бири билан чамбарчас узвий боғлиқ деб қаралади ва тармоққа ажратилмайди. Айниқса, жиноят учун жазо билан боғлиқ жавобгарликка оид қоидалар, тартиб-таомиллар ўрнига қараб манбаларда тарқоқ акс эттирилгани билан эътиборни тортади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ислом ҳуқуқи (фикҳ) ёки шариат ўтган асрнинг йигирма бешинчи йилига қадар давлат ҳокимияти тузилмалари, жумладан, қозилик амалиётида қўлланилгани боис, миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқ тарихи ўзаги деб қаралади. Ҳозирги кунда эса, жамиятда миллий кадриятлар ва маънавиятнинг миллийлик асосида юксалишига ислом ҳуқуқининг ибодатларга оид қоидаларининг таъсири ва ўрни беқиёс аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ислом ҳуқуқининг яна бир муҳим жиҳати мазҳаблар таълимотига таянишидир. Суннийлик (аҳли сунна вал жамоа) қарашларини ўз ичига олган таълимот тўртта ҳуқуқий (Ҳанафий, Моликий, Шофийий ва Ҳанбалий) мазҳаб қоидаларини ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг ҳар бири асосчилари томонидан ишлаб чиқилган қоидалар жамият ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларга жавоб топишда кўл келади. Ҳозирги

даврдa Ўзбекистонда ибодатга оид масалалар айнан Ҳанафий мазҳаби асосида ҳал этилиши анъанага айланган.

Авваламбор, ислом ҳуқуқида Қуръони Карим ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатлари қонун ижодкорлигининг ўзаги деб қаралади. Мазкур манбаларда ҳуқуққа оид қоидалар замонлар оша ёки маконлар ўзгариши билан ўзгариб боргани сабабли, такомиллашиб келган. Ҳуқуқий мактабларнинг шаклланишига ҳам жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгарувчанлик хусусиятини инобатга олишга тўғри келган. Айниқса, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотларидан сўнг асосий икки манба билан тартибга солишнинг имкони бўлмаган янги-янги муносабатлар ҳуқуқий ечимини топишда камчиликка йўл қўймастик чораларини кўриб бориш зарурати туғилган. Чунки, ислом давлати ҳудуд жиҳатдан изчиллик билан кенгая бориб, Мовауннаҳрга<sup>3</sup> етиб келган. Табиийки, бир неча жамиятнинг бир давлатга бирлашиши алоҳида олганда бир-биридан фарқ қилувчи ижтимоий ҳаётдаги долзарб муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини топишни тақозо этган. Шу боисдан, мазҳаб асосчиларининг эътибори Қуръони Карим ва суннадан ташқари ижмоъ ҳамда қиёс ва бошқа усулларни қўллаб, янги-янги ҳуқуқий қоидаларни ишлаб чиқишга қаратилган. Ҳуқуқий жиҳатдан мазҳаблар таълимотидаги қоидалар бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аммо, бирон-бир масалага ҳуқуқий таъриф ёки тасниф беришда ёки тушунчаларни ифодалашда ўзига хослик мавжуд. Масалан, ўғрилиқ учун қўл кесиш жазосини белгилашда асос бўлган миқдорни (нисоб) белгилашда тўртта мазҳаб асосчилари турлича фикрларни билдирган. Шофийийлар миқдорни бир динорнинг тўртдан бири миқдорида белгиланади, десалар, Моликийлар уч дирҳам, деб ҳисоблаганлар. Ҳанафийлар эса, бу миқдорни ўн дирҳам деб белгилаганлар.

Шу ўринда шариат билан тариқатнинг



уйғун эканлиги, яъни биринчиси иккинчиси учун ҳам асос, ҳам тўлдирувчи хусусиятга эга эканлигини англаувчи пайғамбар (с.а.в.)нинг куйидаги ҳадисларини келтиришни лозим топдик: «Шариат (Аш-шарияту ақволи) менинг айтганларимдир, тариқат менинг ишларимдир (Ват-тариқату афъоли), ҳақиқат менинг ҳолимдир (ал-ҳақиқату ҳоли)<sup>4</sup>.

Илм-фаннинг барча соҳа ва тармоқлари, жумладан ислом ҳуқуқи асосида шаклланган тасаввуф ёки сўфизмнинг ривожланиши кўпроқ тариқатларга оид изланишлар олиб бораётган олимларнинг яқдилликдаги ҳаракатига боғлиқдир.

Шу ўринда дастлаб «Хожагон-Нақшбандия» тариқати шаклланган тарихий даврга назар ташламоқчимиз. Чунки, XII – XIV асрларда Ўзбекистонда (Мовароуннаҳр) ижтимоий-сиёсий муҳит кескин курашлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, қирғин-барот урушлар даври, бир сўз билан ифодалаганда, ўта мураккаб ва жиддий таҳликали давр ҳисобланади. Зеро, бу давр мўғуллар босқини билан боғлиқ, шу боис, XIII ва XIV асрлар тарихда миллий давлатчилигимизнинг ривожига путур етказиб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан олдинга силжишга имкон бермаган замон деб баҳоланади. Катта-катта йўқотишлар, талофатлар бўлишига қарамасдан, Оллоҳнинг инояти, муруввати сабабли бўлса керак, тез орада жамият ҳаётида қайта тикланиш ва келажакка ишонч учкунлари сўнмасдан силжишлар, XIII асрнинг охирларида эса илм фаннинг изга тушишига эришилди. Ўша даврда Бухорода ислом таълимоти ривожига ҳисса қўшган олиму уломалар, фозилу фузолалар, жумладан тариқат вакиллари бирин-кетин тарих сахнасидан жой эгаллаганлар. Айнан «Хожагон-Нақшбандия» тариқатининг асосчилари ҳисобланган етти пир ёки авлиёлар (Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий,

Хожа Али Рометаний, Бобо Самосий, Мир Кулол ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандий) ўша даврда туғилиб ўсгани фикримизнинг далили бўла олади<sup>5</sup>. Уларнинг ҳар бири ўз даврида аҳолининг ислом таълимотини эгаллашига яқиндан кўмаклашиб, ҳар бир инсоннинг диний дунёқараши, эътиқоди, айниқса, шариатга асосланган тариқат тамойилларининг жамиятда мустаҳкам қарор топишига беназир ҳисса қўшганлар.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Нақшбандия» тариқатида ҳам уни эгаллаш жараёнида «Шариат – тариқат – ҳақиқат» тамойилига қатъий амал қилиниши талаб этилди. Мазкур тамойилга биноан ҳар бир инсон комиллик даражасига эришиш учун дастлаб шариатни пухта эгаллаши, бугунги кун тили билан ифодалаганда, ислом ҳуқуқига асосланган қонунчиликни пухта билиши зарур. Муҳими, инсон шариатдаги ҳар бир тартиб-таомилларни ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушда бекаму-кўст, қўллаб, моддий ҳамда маънавий жиҳатдан камтарона – ўртамиёна ҳаёт кечиришига одатланган бўлиши лозим. Тариқатдаги машаққатларни енгиб, ҳақиқатга эришиш учун доимо шариат тартиб-тамойилларига таяниш муҳим аҳамият касб этган. Замонамизда яшаб ўтган донишманд инсон, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф «Усулул фикҳ» китобларида шундай деганлар: «Диний ҳукмлар учга бўлинади. Биринчиси «амалий ҳукмлар», яъни банданинг амал қилишига оид ҳукмлар; иккинчиси «ақийдага оид ҳукмлар» ва ниҳоят учинчиси ростгўйликнинг вожиблиги ва ёлғоннинг ҳаромлиги каби рухий тарбияга оид ахлоқий ҳукмлар. Бу каби ахлоққа оид ҳукмлар билан шуғулланувчи илм «тасаввуф» ёки «тариқат» дейилади<sup>6</sup>.

Али ибн Ҳусайн Сафийнинг «Рашоҳати айнал ҳаёт», Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳотул-унс», Салоҳиддин ибн Муборакнинг «Анисут-толибийн» ва Хожа Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудрия»

каби тарихий манбаларида «Нақшбандия» тариқатига оид тўла маълумотлар акс этган. Эътиборли жиҳати шундан иборатки, «Нақшбандия» тариқати Баҳоуддиннинг вафотларидан кейин шогирдлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо томонидан давом эттирилган ва кейинчалик, Убайдуллоҳ Аҳрор (Хўжа Аҳрори Валий) томонидан янада такомиллаштирилган. Бу тариқот Шайх Абдуллоҳ Илоҳий Симовий (1490) томонидан Онадўлига (Испания) етиб борган, шунингдек орадан бир ярим аср ўтгандан сўнг Муҳиддин Боқий биллоҳ Қобулий томонидан Ҳиндистонга кенг ёйилган. Бу Бобур шоҳ давлати даврига тўғри келади. Ҳозирги кунда эса Туркияда «Нақшбандия» тариқатининг давомчилари яшаётир.

«Нақшбандия» тариқатининг хусусиятлари қуйидагилардир: 1) шариатга мустаҳкам боғлиқлик; 2) тасаввуфий ҳол ичида бир бўлганини мушоҳада қилиш ёки Ваҳдати Шухуд; 3) нафсни енгиб Аллоҳга боғлаш ёки Робита; 4) руҳий жўшқинлик сифатида мусиқани рад этиш<sup>7</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд ислом ҳуқуқида Ҳанафий мазҳаби тарафдори ва «Аҳли сунна вал жамоа» эътиқодида турганлар. Ҳар қандай ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотдан йироқда бўлиш тарафдори бўлганлар. Тариқат таълимоти асосий қоидаларининг моҳиятида «қўлинг ишда-ю, қалбинг Ал-

лоҳ билан бирга» тамойили мужассам. Тариқатнинг асоси шариат ҳукмларини муҳофаза этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Хожа Баҳоуддин «мусулмончиликда нафсни ўлдириш, маҳв этиш эмас», балки уни «тарбия қилиш ва шаръий ўлчовлар ичида ҳаракат этишни таъминлаш керак, зеро, иймон, ибодат ва гуноҳлар таркибининг қиймати ҳам шу ерда тўқнаш келади», фақат «хуфёна зикр» қилиш лозим<sup>8</sup> деб таъкидлаганлар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бутун ғайратлари ва ҳимматларини шариатга амал этиш, тўғри яшаш учун сарф этадилар. Шариат йўлидан қилчалик адашишни энг буюк офат санайдилар. Шунингдек, тариқат асосини ҳам шу ақида ташкил этади, деб ҳисоблаганлар<sup>9</sup>.

Хулоса сифатида ўрнида қайд этиш ўринлики, «Нақшбандия» тариқатининг тўлиқ моҳиятини англаб етиш, айниқса, мазкур тариқатнинг шариат билан чамбарчас боғлиқлигини янада мукамал тушуниш учун ислом ҳуқуқига оид тадқиқотлар кўламини кенгайтириб, бу йўналишдаги илмий изланишларни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

**М. РАЖАБОВА,**  
Халқаро ислом Академияси  
кафедраси профессори,  
юримдик фанлар доктори

<sup>1</sup> «Ислом энциклопедияси», Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2017, – 670-б.

<sup>2</sup> Мавжуда Ражабова. «Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол». Т. «YURISN-MEDIA MARKASI», 2009, – 80 – 83-б.

<sup>3</sup> Зиёдулла Муқимов, Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ тарихи, Т.: «Адолат», 2003, – 62 – 64-б.

<sup>4</sup> Улуг Авлиё. Шайх Худойдод Вали (таржимон Сайфиддин Сайфуллоҳ), Т.: «O`ZBEKISTON» 2017, – 223 – 224-б.

<sup>5</sup> Садриддин Салим Бухорий. «Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари». Т.: «Наврўз» нашриёти, 2015. – 348-б.

<sup>6</sup> Шайх Муҳаммад Садик Муҳаммад Юсуф. «Усулул фикҳ» Т.: «SHARQ». 2011, – 574-б.

<sup>7</sup> Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (Наирга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Йўлдош Эшбек). «Насаф», 2010, – 129-б.

<sup>8</sup> Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. Ўша китоб, – 70-б.

<sup>9</sup> Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий. Ўша китоб, – 74-б.

## ШАЙТОННИНГ ТУЗОҒИ

Баҳром икки нафар вояга етмаган фарзанди билан эрсиз яшайдиган маҳалладоши Сурайёнинг валюта олди-сотдиси билан шуғулланишидан хабардор бўлди-ю, унга ипсиз боғланди-қолди. Қўлига тузукроқ пул тушиши билан Сурайёни йўқлайдиган одат чиқарди. Сурайё эса, дастлаб Баҳромнинг пуллари танишлари орқали АҚШ долларига алмаштириб турди. Секин-аста маккор аёл Баҳромнинг тўлиқ ишончига кириб олди. Шундай кунларнинг бирида Баҳром Сурайёга қўнғироқ қилиб 40 миллион сўми борлигини, уни долларга алмаштириб беришни илтимос қилди. Сурайё қармоғига катта ўлжа илинганидан хурсанд бўлди, бироқ, «Ҳаракат қиламан, – деди у сир бой бермасликка уриниб. – Фақат уч-тўрт кун кутасиз, доллар тайёр бўлиши билан ўзим сизга хабарини бераман».

Сурайё ўша кундан бошлаб Баҳромнинг пуллари долларга айирбошлаб беришни эмас, балки қотил ёллаб уни ўлдириб юбориш ва пулга эгалик қилиш режасини туза бошлади. Ушбу қабиҳ ниятини амалга оширишга ўйнаши – Рустам ёрдамида тўрт нафар қотил ёллади. Режа тузилди, унга кўра, Сурайё Баҳромни алдов йўли билан шаҳар ташқарисига олиб чиқиши, жиний шериклари уни ўлдириши ва пул ўртада арра қилиниши керак эди.

Сурайё ташкилотчилигидаги жиний гуруҳ аъзолари қулай фурсатни кутиб юришган пайтда Баҳромнинг ўзи Сурайёга қўнғироқ қилиб, уч кун бурун қилган илтимосининг натижасини сўради. Сурайё у билан учрашиб, бафуржа гаплашиб

олишни таклиф қилди.

– Сизга ваъда қилган 13 минг АҚШ долларини бир танишим тайёрлаб қўйибди.

– У қаерда яшайди?

– Ўртачирчиқ туманида. Айтган кунингиз бирга бориб, долларни олиб келамиз.

– Танишингизнинг ўзини шаҳарга йўли тушмасмикин? – сўради Баҳром хавотир аралаш, Сурайёга тикилганча, – Ахир шунча пул билан узоқ масофага чиқиш...

– Афсуски, бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ, – деди қатъий оҳангда Сурайё. – У юқори давлат идорасида масъул лавозимда хизмат қилади, боз устига жудаям банд одам.

– Унда қачон борамиз? – шошилганча сўради Баҳром.

– Айтган кунингиз деяпман-ку!

– Бўпти, ишдан эрта қайтган куним сизга қўнғироқ қиламан.

– Эртароқ огоҳлантириб қўйсангиз яхши бўларди, – деди муғомбирона кўз югуртириб Сурайё. – Биласиз ёш болаларим бор. Уларга қараб туриш учун одам топиб қўйишим керак.

– Келишдик, – дея самимий хайрлашди кўнгли очик, шумликни билмайдиган Баҳром Сурайёнинг сийратидаги мунофиқликни фаҳмламасдан. – Балки, эртанги кун ўтиб, индинга ўтиб келармиз. Ҳозирлик кўраверинг...

Сурайё навбатдаги учрашувга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрди. Муқаддам ўғрилиқ, босқинчилик ва қасдан одам ўлдириш жиноятларини содир этиб бир неча маротаба камалиб чиққан

бўлса-да, тавбасига таянмаган жинорий шериклари билан қилинажак қабих ишларининг якуний режасини тузиб, вазифаларни ўзаро тақсимлаб олишгач, тарқалишди.

Баҳром ўша машъум оқшом амиксининг тўйида бўлди. Тўй базмида узоқ-яқиндан келган қариндош-уруғларини кўриб, улар билан суҳбатлашди. Бироқ, улар шу оқшом Баҳромни сўнгги марта кўришаётганини билишмасди.

Базмдан сўнг Баҳром «Тико»ни қайнотасининг «Нексия» русумли машинасига алмаштириб, уйига қайтди.

Одатига кўра, у хотинига лом-мим демасдан, халталарга 40 миллион сўм пулни жойлаб, Сурайё билан учрашишга ошиқди. Бу пайтда ёлланган Жаҳонгир, Афзал, Талъат ва Аъзамлар «Матиз» машинасида Сурайёнинг фармойишини кутишарди.

Кеч соат 22:00 ларда Баҳром Сурайё билан аҳдлашган манзилда учрашди. Кейин Баҳромнинг машинасида Ўртачирчиқ туманига йўл олишди. Баҳром суҳбат асносида Сурайёдан валютачи таниши ҳақида сўраб-суриштирди.

– У танишимнинг яқин одами, – деди Сурайё кўзларини олиб қочиб. – Ҳозир йўлда ўша танишим билан учрашамиз.

Ўртага оғир жимлик чўкди. Онда-сонда бу жимликни катта йўлдан ўтиб турган машиналарнинг овози бузарди, холос. Сурайё уяли алоқа телефонини қўлига олиб, кимгадир кўнғироқ қилди. Лекин, узоқ гаплашмади. Гап орасида «Ўша ерда кутиб туринглар, биз ҳозир етиб борамиз», деди. Кейин Баҳромга юзланиб:

– Танишим бизни кутиб турган экан, – деди. Чиндан ҳам «Роҳат» блок-постидан ўтишгач, йўл бўйида уларни тўрт нафар йигит кутиб олди.

– Танишинг, – деди Сурайё Баҳромга уларнинг бирма-бир исмини атаб, та-

ништираркан. Кейин у Афзалдан валюта ҳақида сўради.

– Валюта Бекобод туманида, уни ваъда қилган дўстим ўтган куни дала ҳовлисига кетиб қолибди, деди Афзал.

– Бекобод узоқ-ку, – деди Баҳромнинг ҳафсаласи пир бўлиб. – Эртага ишга боришим керак. Шуни бошқа кунга қолдирсак, нима дейсиз?!

Афзал бундай жавобни кутмагани боис Сурайёга хўмрайиб қаради-да, унинг фармойишини кутгандек бир зум қотиб қолди.

– Қолган ишга қор ёғади, – деди Сурайё, беҳосдан вужудга келган танг аҳволдан кутулиш мақсадида, – ишни қизиғида босиш керак... У одамнинг хузурига валюта алмаштиришни сўраб борадиган мижозларнинг саноғи йўқ.

Агар уни шу бугуноқ ҳал қилмасак, эртага бирортасига бериб юборади...

– Ундай бўлса кетдик, – деди Баҳром Сурайёнинг сўзларини чин билиб.

– Фақат менга биронтангиз йўл кўрсатиб кетасиз.

Шундан сўнг Сурайёнинг кўрсатмаси билан «Нексия»нинг олди ўриндиғига Жаҳонгир, орқасига Афзал ва Талъат ўтиришди. Сурайё Рустам бошқариб келган «Матиз»га чиқди. Йўлда Баҳром ёқилғи шаҳобчасига бирров кириб, машинасига бензин қуйиб олди. Орқадан изма-из келаётган «Матиз» уни йўл чеккасида кутиб турди. Баҳром катта йўлга чиққач, унинг орқасидан эргашди. Шу алпозда улар узоқ юришди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганда Баҳром қайсидир бир каналнинг кўпригидан ўтди. Шу пайтда орқа ўриндикда ўтирган Афзал буйруқ оҳангида:

– Машинангни ўнгга буриб, канал соҳили бўйлаб ҳайда! – деди.

– Нега? – ажабланди Баҳром. – Тўғри йўлдан кетавермаймизми?

– Бу киска йўл, масофадан 30-40 километрча ютамиз.

Баҳром ноилож қолди ва машинаси рулини ўнгга бурди. Бирок, кўп юрмасдан машинанинг баллонлари қалин тупроққа ботиб, мотори ўчиб қолди.

– Энди нима қиламиз? – деб сўради Баҳром. – Мени қаёққа бошлаб келдиларинг?

– Эндими? – дея суҳбатга аралашди Талъат. – Энди машинадаги пулларни чиқар!

– Нега?

– Чиқар, деяпман сенга! - деб ғазабланиб ёнидан пичоқ чиқарди Жаҳонгир.

– Жонингдан умидинг борми?

Ноилож қолган Баҳром машинадан тушиб юкхонадан халталарга жойланган пулларни чиқариб берди.

– Нима қилмоқчисизлар ўзи? – деб сўради «Матиз»дан тушиб ёнига келган Сурайёдан. – Нималар бўлаяпти ўзи?!

– Ҳеч нарса, – деди Сурайё бамайлихотир пул солинган халталарга суқланиб боқаркан. – Бу пуллар энди сизники эмас, тўғрироғи, энди улар сизга ҳеч ҳам керак бўлмайди...

Сурайё олисроқда тўхтаган «Матиз»нинг ёнига қайтиб бораркан, Баҳромнинг аянчли қичқирғини эшитди: «Ёрдам беринг! Мени ўлдирманг! Ҳамма пулни олинг! Фақат мени ўлдирманг, ялинаман! Ё, Раббим!» Орадан кўп вақт ўтмай Баҳромнинг жасади қонга беланиб, тупроққа қоришди.

– Аркон билан унинг қўл-оёғини маҳкам боғлаб, сувга итқитиб юборинглар, «Нексия»ни ҳам йўқотинглар, – баланд овозда жиноий шерикларига буйруқ қилди Сурайё. – Кейин қўшиб қўйди: – Топширикни пухта бажариб, кейин ёнимга келинглар!

Қотиллар келишганида, Сурайё халталардаги пулларни санаб ўтирарди.

– Мана бу пуллар сизнинг улушингиз. Ўзаро бўлишиб олинглар. – деди Сурайё.

– Эртага қолганини оласизлар.

Улар айланма йўллар билан шаҳарга кириб келганларида тонг ёриша бошлаганди.

– Бирор иш бўлса, ўзим сизларни топаман, – деди Сурайё ёлланган қотилларга.

– Унгача мени безовта қилманглар!

...Турмуш ўртоғининг уйга келмаганидан хавотирга тушган Лазокат унинг уяли телефон аппаратида бир неча маротаба кўнғироқ қилиб, тушолмади. Яна икки кун уни кутди. Дараги бўлавермагач, ички ишлар бўлимига бориб, ариза билан мурожаат қилди. Суриштирув ишлари олиб борилаётган кунлари каналдан Баҳромнинг жасади топилди. Жасад таниб бўлмас даражада эса-да, Лазокат эрини таниди.

Мазкур ўта оғир жиноят «Роҳат» блок-постида ўрнатилган видеокамерага тушган тасвир кўмагида очилди. Видеотасвирда постдан ўтган ҳар бир транспорт воситасининг куни ва вақти муҳрланган эди. Тасвирга тушган Баҳром, унинг машинаси ва ёнидаги аёл киёфаси терговчининг диққатини жалб қилди.

Гумонланувчи тариқасида бўлимга чақирилган Сурайё терговчига дўқ уриб, жанжал қилиб, ўзини «беғуноҳ» кўрсатишга уринди. Бирок, зукко ва ўта зийрак терговчи Сурайё ўйлаб топган барча ҳийла-найранглари тоқат билан эшитиб турди-да, сўроқ сўнггида «Роҳат» блок-постида муҳрланиб қолган тасвир нусхасини стол устига қўйди. Сурайё тилсиз далилни кўриши билан бўшашиб, айбига иқроқ бўлишдан бўлак чора топмади. Кўп ўтмай жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ушланди.

**И. МАМАНОВ,**

**Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси**